

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

СИЁСАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
ЖАҲОН СИЁСАТИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Мавлянов Санжар Джамбулович

**ҲИНДИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БИЛАН
АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220500 – Халқаро муносабатлар

Илмий раҳбар: т.ф.д.проф. Исҳоқов М.М.

Тошкент – 2011

**Ҳиндистоннинг Марказий Осиё республикалари билан алоқаларининг
тарихий жиҳатлари**

	Кириш	3
I – боб	ХМ тизимида ташқи сиёсат масалаларини тадқиқ этишнинг назарий ва концептуал асослари.	
1.1.	Ташқи сиёсат тушунчаси ва назарий талқини.....	7
1.2.	Ҳиндистон ва МО давлатлари алоқаларининг шаклланиш босқичлари.....	2
II - боб	Ҳозирги даврда Ҳиндистон ва МО давлатлари муносабатларининг ўзига ҳос жиҳатлари.	
2.1.	Ҳиндистон ва МО давлатлари муносабатларининг бугунги ҳолати.....	
2.2.	Ўзаро муносабатлар ривожига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар.....	
2.3	Ҳиндистон ва МО давлатлари муносабатларининг ривожланиш истикболлари.....	
	Хулоса.....	.55
	Фойдаланилган адабиётлар	.59
	Илова.....	.64

Кириш

XXI аср - шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр¹. Ана шундай бир даврда мустақил Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва уни мустаҳкамлаш, нафақат Марказий Осиё минтақасидаги қўшни давлатлар, балки жаҳон ҳамжамиятида ўзининг нуфузли ўрнига эга буюк давлатлар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш, уларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Зеро, ҳурматли Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт.”²

Мавзунинг долзарблиги: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали ҳам давом этаётган, терроризмга қарши уруш ҳали тўлиқ ниҳоясига етмаган бир шароитда Марказий Осиё давлатлари ва жумладан, Ўзбекистон учун хавфсизлик, иқтисодий, илмий-техникавий, сиёсий ва ижтимоий соҳада жаҳоннинг илғор мамлакатлари билан, жумладан, ҳозирги кунда ривожланиш салоҳияти юқори баҳоланаётган Ҳиндистон билан ҳамкорлик муносабатларини олиб бориш Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланади. Мазкур ишнинг долзарблиги ҳам айнан ана шу икки минтақа, қолаверса, Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маъруза. Тошкент. 2003 йил. www.press-service.uz

² Karimov I.A. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi ma'ruza. 12.11.2010. www.press-service.uz

ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг тарихан ривожланиши ва истиқболда ривожланиш йўналишларини тадқиқ қилишдан иборат. Бу ўринда, аввало халқаро муносабатлар тизимида ташқи сиёсат масалаларининг назарий ва концептуал асосларини кўриб чиқиш, ташқи сиёсат тушунчаси ва унинг назарий талқинини тадқиқ қилиш муҳимдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасида жойлашган қадимий ўрта асрлар мустамлакачилик давридаги муносабатлари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Аммо мутақиллик йилларида икки томонлама муносабатлар ўрнатилиши, ҳолати ва ривожланиши билин боғлиқ жараёнлар у ёки бу даражада тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бу борада Ўзбекистонлик ва чет эллик тадқиқотчиларини ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин. масалан, ўзбек олимларидан Р.М.Олимов¹, А.Ҳайдаров, Ш.Хамракулов, Н.Ў.Тўлаганова, С.М.Мирқосимов, А.Н.Шаматов, Х.Бегизова, Б.Обидов, М.Абдураззоқова, Т.Джураев, И.Мавлонов, Н.Касимова², Ш.Мусоев, Т.Гиясов ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Чет эллик олимлар орасида Ҳиндистонлик тадқиқотчилар самарали фаолият олиб боришган. Булар, Сурендра Гопал³, Девендра Каушик⁴, Индранил Бенерджи⁵, Др.Джиотсна Бакши, Бхаргав Митра, Аджай Патнаик, К.Варику, Махеш Ранжан Дебата, Хари Васудеван ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Бу соҳада ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институтида профессор ва ўқитувчилар билан бирга ёш аспирантлар бу борада илмий тадқиқот ишлари олиб бормокдалар.

¹ Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. –Т.: 2005., Алимов Р. Центральная Азия: геэкономика, геополитика и безопасность. –Т.: 2002.

² Касимова Н. Центральная Азия: геэкономика, геополитика и безопасность. (на русском языке) –Т.: 2002., Касимова Н. Узбекистан и вызовы создания региональной системы безопасности в Центральной Азии.(на английском языке) Серия определенных докладов Кеннанского Института, номер 279, Вашингтон ДС.: Woodro Wilson International Center for Scholars, 2000.

³ Сурендра Гопал, Surendra Gopal, India and Central Asia: Cultural, Economic and Political Links, 2001. Shipra Publications; New Dehli (200 c.), passim.

⁴ Девендра Каушик, Devendra Kaushik, “The Economic Relation between India and Central Asia in 19th century” Сурендра Гопал(Surendra Gopal) нашрида (ed.), №8, Б-71.

⁵ Индранил Бенерджи, Indranil Benerjee, „India and Central Asia“ Brunel Academic Publishers Ltd., United Kingdom, 2004, (357 p.), passim.

Тадқиқот ишининг объекти: Тадқиқот объекти сифатида Жанубий Осиё ва Марказий Осиё минтақаси ўртасида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатлар ва улар билан боғлиқ жараёнлар олинди.

Тадқиқот ишининг предмети: Тадқиқот предмети сифатида Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ва Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан муносабатларидан кутилаётган манфаатлари олинди.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари: Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиш босқичлари, муносабатларнинг ривожланишини илмий концептуал назариялар нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш, аҳамиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Тадқиқот мақсадига мос равишда, илмий иш олиб бориш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ташқи сиёсат тушунчасини ўрганиш ва уни турли назариялар нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш;
- Ташқи сиёсат ҳақидаги фикрларини қиёслаш, таҳлил қилиш.
- Марказий Осиё давлатларининг Ҳиндистон билан муносабатларини қиёслаш ва таққослаш ҳамда уларнинг қай даражада аҳамият касб этишини ўрганиш;

Тадқиқот олиб бориш услуби: Тадқиқот олиб боришнинг услублари сифатида: кузатиш; таҳлил; қиёслаш; жамоатчилик фикрини ўрганишдан фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги: Ҳиндистоннинг Марказий Осиё республикалари билан ўзаро муносабатларининг сиёсий, тарихий жиҳатларини ўрганиш илк маротаба кўриб чиқилмокда. Айнан шу ҳолат илмий ишнинг янгилигини белгилайди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти: ҳозирги кунда ҳеч қайси мамлакат якка ўзи ўз ривожини таъминлашнинг иложи бўлмаганлиги боис, Марказий Осиё давлатларининг Ҳиндистондек йирик давлат билан ҳамкорлиги мазкур минтақада вужудга муаммоларни ечишда, ва иқтисодий янада тараққий этишда катта самара беришини мазкур малакавий битирув иши ўз ҳиссасини қўшади. Малакавий битирув иши материалларини халқаро муносабатлар, шунингдек, минтақашунослик фани бўйича маърузалар тайёрлашда қўллаш мумкин.

Илмий ишнинг таркибий қисмлари. Кириш, асосий қисм (икки боб, беш параграф), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

1 - БОБ. ХМ тизимида ташқи сиёсат масалаларини тадқиқ этишнинг назарий ва концептуал асослари.

1.1. Ташқи сиёсат тушунчаси ва назарий талқини.

Ўзбекистон ХХI асрда глобаллашув жараёнларидан орқада қолмаслик учун халқаро муносабатларда фаол ташқи сиёсат олиб бориши, халқаро ҳамжамиятнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ҳурматли Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Ўзбекистоннинг жуғрофий сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради”¹. Шу сабабли, Ўзбекистон олдида турган жуда катта муаммоларни ҳал қилиш зарурати вужудга келди. “Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади”². Бу ўринда эса ташқи сиёсат тушунчасининг ўзи нима эканлигига жавоб бериш лозим. Демак, ташқи сиёсат тушунчаси ҳозирги даврда ҳар бир давлат сиёсатининг асосий бир ажралмас қисми ҳисобланиб, у жуда кенг қамровли тушунчадир. Адабиётларда унга турлича ёндашувлар нуктаи назаридан хилма-хил таснифлар берилган. Баъзи олимлар уни алоҳида кўриб чиқишса, баъзилари уни халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати тушунчалари билан бир хил тушунча сифатида, айримлари эса ташқи сиёсат тушунчасига умуман эътибор ҳам қаратишмай, фақатгина халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати тушунчаларини ёритишга ҳаракат қилишган. Хусусан, проф.А.А.Аъзамхужаев, проф. Г.Н. Новиков, Э. Поздняков, В. Барановский, Н. Косолапов, Кеннет Уолц, Г. Моргентау, Дж. Кеннан, А. Вольферс, Роберт

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон йўли — жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б-45

² Каримов И.А. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. — Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б-167

Кеохан каби сиёсатшунослар мазкур тушунчага турлича нуқтаи назардан ёндашиб ўз фикрларини билдириб ўтишган. Ташқи сиёсат тушунчасини яхшироқ тушуниш учун аввало сиёсат тушунчасининг нима эканлигини кўриб чиқсак.

Ўз таркибига кўра сиёсат – мураккаб, ажралмас ва бир бутунликни ташкил этган ходисадир. Давлатнинг сиёсий фаолияти ҳам ички жамоатчилик муносабатлари тизимида, ҳам унинг чегарасидан ташқарида – халқаро муносабатлар тизимида ҳам амалга оширилади. Шунинг учун ҳам сиёсатни ички ва ташқи сиёсатга бўлиб ўрганилади. Улар жуда кўп умумий томонларига эга бўлсада, аммо ўзига хос томонлари билан бир-биридан ажралиб туради. Ташқи сиёсат ички сиёсатга нисбатан иккиламчи ҳисобланиб, унга нисбатан кечроқ шаклланган ва бошқа жамоатчилик шароитларида амалга оширилади. Аммо ички сиёсат ҳам, ташқи сиёсат ҳам бир вазифани – мазкур давлатда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар тизимини сақлаб қолиш ва соддалаштиришни таъминлашга қаратилган.¹ Чунки, ҳеч бир мамлакатнинг иқтисодиёти, умуман ҳаёти ташқи оламдан узилган ҳолда кечмайди². Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатларни тартибга солади, унинг халқаро ҳамжамиятдаги эҳтиёж ва манфаатларини амалга оширишни таъминлайди. Ташқи сиёсат давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналишидир. Ташқи сиёсат борасида яна муҳтарам Президентимиз И.Каримов ҳам ўз асарларидан кўп бора тухталиб ўтганлигини таъкидламай иложимиз йўқ. Ҳусусан, ўзларининг «Биздан озод ва обод ватан қолсин» асарида: «Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга, кўп авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянпмиз. Бу — ташқи муносабатларда очик, тенг

¹ Ўзбекистонда политология.(Илмий конференция материаллари) – Т.: Шарқ, 2002. -Б-174

² Каримов И.А. Мустақиллик — улкан масъулият// Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б-18

ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларга риоя этиш демакдир¹» - дея таъкидлаб ўтган.

Ташқи сиёсат деганда, жамият ва халқ номидан иш олиб борувчи, жамият ва халқ манфаатларини акс эттирувчи, уларни амалга ошириш учун маълум бир усуллар танлаш ҳуқуқига эга бўлган расмий субъектларнинг ўзаро ҳатти-ҳаракати ва фаолияти тушунилади. Шу ўринда эса, «миллий манфаат» ва «миллий хавфсизлик» тушунчаларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ.²

Давлатлар халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари бўлгани сабабли, жамият ёки халқ ўз манфаатларини давлат институтлари орқали бошқаради. Шу сабабли илмий адабиётларда миллий ва давлат хавфсизлиги бир хил маънода тушунилиши кенг тарқалган. Аммо мазкур тушунчалар ўртасида ҳам «миллий» ва «давлат» манфаатлари тушунчалари ўртасида бўлгани каби маълум бир фарқлар мавжуд. Маълум бир ҳолатларда миллий ва давлат манфаатлари бир-бирига мос келмайди, масалан, Чор Россиясининг биринчи жаҳон урушида иштироки унинг миллий манфаатларига мос бўлмасада, аммо урушда ғолиб чиқиши империя ҳокимиятини янада кучайтирарди. Ҳудди шундай ҳолатни АҚШнинг Вьетнам ва Ироқдаги урушларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Умуман олганда, давлатнинг ташқи сиёсати асосида миллат ёки кўпмиллатли жамият манфаатлари ётсада, бироқ давлат ва миллий манфаатлар фақатгина давлат ташқи сиёсати жамият эҳтиёжларидан келиб чиққандагина бир-бирига мос келади.

Реал ижтимоий эҳтиёжларни акс эттирмайдиган ташқи сиёсий фаолият жамият томонидан кучли қўллаб-қувватланмайди ва шу сабабли муваффақиятсизликка маҳкумдир. Бундан ташқари, нотўғри тушунилган ва жамият эҳтиёжларига жавоб бермайдиган манфаатлар халқаро можаролар

¹ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати//Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –б.

² Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. -Б-259

сабабига айланиши ва йирик йўқотишларга олиб келиши мумкин¹. Бу борада ҳурматли юртбошимиз И.Каримов ўз асарларида қўйидагича таъкидлайди: «Биз давлатларнинг тинчтотув яшаш, халқаро масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилмаслик тамойилини ташқи сиёсатимизга асос қилиб олганмиз»².

Ўзбекистонда ташқи муносабатларнинг очик бўлиши тамойили қабул қилинган, бу ҳам иқтисодиёт ички таркибини қайта қуриш талабларига мос келади, Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг бошланғич давридаёқ кўпгина нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тўла аъзоси бўлди, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида ишлаб чиқилган бир канча катта лойиҳалар амалга оширилмоқда³.

Жамиятнинг миллий манфаатлари доирасига авваламбор, аҳоли турмушининг моддий ва маънавий даражаси ошиши, давлат хавфсизлиги, унинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигининг таъминланиши киради. Миллий манфаатларни амалга оширишни таъминлашга давлатнинг ташқи сиёсати маъул бўлиб, ташқи сиёсатнинг ички сиёсат билан қанчалик чамбарчас боғлиқлигидан далолатдир. Айнан ташқи сиёсат ички сиёсат вазифалари ва мақсадларини амалга ошириш учун зарур бўлган қулай ташқи муҳит ва шароитни таъминлашга қаратилган. Аммо бу ташқи сиёсатнинг ички сиёсатнинг оддий давоми эканлигидан далолат бермайди. Ҳурматли президентимиз ҳам бу борада қўйидагича таъкидлайди: «Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир»⁴. Ташқи сиёсатнинг ўзига хос ўз мақсадлари бор, ташқи сиёсат ички сиёсатга ҳам жуда кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, мазкур таъсир

¹ Шарипов Ш.Ф. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б-368

² Каримов И.А. Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. Б-37

³ Каримов И.А. Ватанимизнинг салоҳияти ва обрўйини янада оширайлик// Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б-105-106

⁴ Каримов И.А. Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б-35

замонавий шароитларда: халқаро меҳнат тақсимоти кучайганда, давлатлар ва халқлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар кучайган пайтда кўзга яққол ташланмоқда.¹

Россия сиёсатшуноси Г.А. Круглованинг фикрига кўра, ташқи сиёсатнинг асосий субъектларига қуйидагилар киради:

Биринчиси, давлат, унинг институтлари, шунингдек, сиёсий лидерлар ва давлат бошлиқлари. Ташқи сиёсатни шакллантиришда асосий ҳал қилувчи роль давлатга тегишлидир.

Иккинчиси, «халқ дипломатияси» номини олган нодавлат ташкилотлар, улар сиёсий партия ва ҳаракатлар, ҳамда носий бирлашмалар ва уюшмалар фаолиятини ҳам ўз ичига олади.²

Шундай қилиб, ташқи сиёсат бутун халқ ёки жамият номидан иш олиб бориш, халқаро сахнада миллий манфаатларни амалга ошириш, уни амалга оширишнинг усул ва услубларини танлаш ҳуқуқига эга расмий субъектларнинг ўзаро муносабатлари ва фаолиятини акс эттиради. Ташқи сиёсатнинг асосий субъектлари сифатида давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолият юритишади.

Ташқи сиёсат – давлатнинг бошқа мамлакат ва халқлар билан муносабатларининг тартибга солиниши, унинг тамойил ва мақсадларига мос равишда турли восита ва усуллар билан амалга ошириладиган давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналишидир.

Сиёсий фаолиятнинг бир йўналиши сифатида ташқи сиёсат мақсадларига давлатнинг ўз суверенитети(сиёсий мустақиллиги)ни сақлаб қолиши ва миллий хавфсизлик ва ҳудудий яхлитлигининг таъминланиши киради. Ташқи сиёсатнинг мазкур мақсадларини амалга ошириш натижасида мамлакатнинг ички сиёсий иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун қулай

¹ Политология: Курс лекций / Н.П. Денисюк, Т.Г. Соловей, Л.В. Старовойтова и др., 2-е изд., испр. и доп. – Мн.: НТООО “ТетраСистемс”, 1997. – С-337

² Круглова Г.А. Политология: Учеб. пособие. – Мн.: ЗАО “ВЕДЫ”, 1997. –С- 236.

шароитлар яратилади. Ташқи муносабатлар соҳасида ўз манфаатларини амалга оширишда давлат ўз ташқи сиёсий функцияларини амалга оширади.

Халқаро муносабатлар моҳиятини тушуниш учун «жаҳон сиёсати» ва «ташқи сиёсат» тушунчаларини маъносини бир-биридан ажрата олиш керак. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, ташқи сиёсат – ички сиёсатнинг давоми, унинг бошқа давлатлар билан муносабатларига турли восита ва усуллар орқали тарқалишидир.

Ички сиёсат каби, ташқи сиёсат ҳам ҳукмрон режим билан чамбарчас боғлиқ. Ташқи сиёсатнинг муҳим восита бу – дипломатиядир, яъни давлат, ҳукумат ва махсус ташқи муносабатлар органлари(масалан, ташқи ишлар вазирлиги)нинг давлатнинг хориждаги манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни амалга ошириш бўйича расмий фаолиятидир¹. Давлатнинг ташқи сиёсий мақсадлари шунингдек, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, кредит-молиявий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилиши ва кенгайтирилиши орқали расмий даражада ҳам, ижтимоий ва ҳусусий ташкилотлар ва муассасалар ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Қадимдан давлатнинг хориждаги манфаатлари ташқи разведка органлари фаолияти билан боғлиқ.

Замонавий шароитларда ташқи сиёсат, онгли, ўзаро мақбул бўлган сиёсий компромиссларга эришиш, музокаралар санъатига айланиб бормоқда. Энг асосий туб муаммолардан бири – ҳар бир халқ ва бутун инсоният манфаатлари доирасида жаҳон ишларини олиб боришнинг универсал воситалари сифатида бу давлатларнинг биргаликда тинч яшаши тамойилининг тасдиқланишидир.

Ташқи сиёсатнинг шаклланиши маълум бир жамият ёки давлатнинг ташқи дунё, яъни бошқа жамият ва давлатлар билан маълум бир муносабатларга киришишга бўлган объектив эҳтиёжларининг вужудга келиши орқали содир бўлади. Шу сабабли у ички сиёсатга кўра кеч

¹ Жўраев Қ.А. Сиёсатшунослик асослари. – Т.: ЖИДУ, 2004. –Б-119

шаклланади. Одатда, оддий қизиқишдан бошланади: уларда нима борки, бизда ўша нарса йўқ? Ва бундай қизиқиш англаб етилса, ўшандагина у сиёсатга – уларни амалга ошириш учун аниқ ҳаракатларга айланади.

Ташқи сиёсатнинг кўплаб назариялари мавжудки, улар ташқи сиёсатнинг асосий мақсад ва вазифалари, моҳияти ва функцияларини турлича тушунтиради. Бироқ умумий назария ҳам мавжуд бўлиб, унинг асосида қўйилган мақсадларга эришишнинг самарали усуллари ва воситалари ишлаб чиқилиб, турли ташқи сиёсий чора-тадбирлар ва акцияларнинг режалаштириш амалга оширилади.

Ўз навбатида ташқи сиёсатни режалаштириш халқаро майдондаги аниқ хатти-ҳаракатларнинг истиқболли ишлаб чиқилишини билдиради у бир неча босқичлардан ташкил топади. Биринчидан, бутунлай ёки бирор бир минтақадаги халқаро муносабатлар тизимининг шунингдек, давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатларининг эҳтимолли тараққиёти башорати тузилади.¹ Бундай башорат сиёсий башоратлаштиришнинг энг мураккабларидан бири ҳисобланиб, у халқаро муносабатлар тизими элементларининг у ёки бу эҳтимолий ўзгаришлари тенденцияларининг таҳлили асосида қилинади. Бу эса, режалаштирилган ташқи сиёсий ҳаракатларнинг эҳтимолий оқибатини баҳолашга имкон беради. Иккинчидан, илгари сурилган ташқи сиёсий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг миқдори аниқланади. Учинчидан, иқтисодий ва сиёсий манфаатлардан келиб чиқиб, давлатнинг турли йўналишлар бўйича бирламчи ташқи сиёсий мақсадлари белгилаб берилади. Тўртинчидан, давлат ҳукумати томонидан тасдиқланадиган барча ташқи сиёсий чора-тадбирларнинг мажмуавий дастурлари ишлаб чиқилади.

Ташқи сиёсатнинг аниқ назарияларидан энг машҳури америкалик сиёсатшунос Г.Моргентау назарияси ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, ташқи сиёсат кучлар сиёсати сифатида баҳоланиб, миллий манфаатлар ҳар

¹ Одиқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. –Б-259

қандай халқаро нормалар, тамойиллардан устундир, шунинг учун ҳам, куч – ҳарбий, иқтисодий, молиявий, давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бундан эса қуйидагича формула келиб чиқади: “Ташқи сиёсатнинг мақсадлари миллий манфаатлар руҳида белгиланиши керак ва куч билан мустаҳкамланиши лозим”¹.

Миллий манфаатлари устунлиги икки вазифага хизмат қилади: 1. Ташқи сиёсатга умумий йўналиш беради ва 2. Маълум бир ҳолатларда танловлар шартини белгилаб беради. Шундай қилиб, миллий манфаатлар узоқ муддатли стратегик мақсадлар, шунингдек, қисқа муддатли тактик ҳаракатларни белгилаб беради. Куч ишлатилишини оқлаш мақсадида Г.Моргентау фанга Уйғониш давридан бошлаб мавжуд бўлган “кучлар мувозанати” терминини киритади. Мазкур термин биринчидан, ҳарбий кучларнинг маълум бир жойлашувига қаратилган сиёсатни назарда тутса, иккинчидан, жаҳон сиёсатидаги кучларнинг ҳар қандай ҳолатини тавсифлашни, учинчидан, халқаро даражада кучларнинг нисбатан тенг тақсимланиши назарда тутади. Бироқ бундай ёндашувда, яъни фақатгина ўз миллий манфаатлардан келиб чиқиб ҳаракат қилинса, ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорлик иккинчи ўринга тушиб қолади, чунки рақобат ва кураш биринчи ўринга чиқади². Охир-оқибатда бу эски нақлга ҳам тўғри келади: тинчликни истасанг - урушга тайёрлан.

XXI асрда уруш ташқи сиёсат воситаси бўлиши мумкин эмас, йўқса, халқлар, давлатларнинг ўз тараққиёт йўлини ўзи белгилашини, бегона ҳудудларни босиб олинишига йўл қўймасиликни, ўзаро манфаатли ва адолатли иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишини, суверен тенглигини ва бошқаларни кафолатлаш мумкин эмас.

Замонавий жаҳон амалиёти халқаро хавфсизликни таъминлашнинг 3 усулини билади: 1. Турли шаклдаги (иқтисодий, сиёсий, психологик ва

¹ Нишонов М.Н., Джавакова К.В. Политология. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. С.-176

² Дипломатический словарь. М., 1989. Т. 1-3. –С-166

бошқалар) босимлар ёрдамида агрессияни тутиб туриш. 2. Агрессорни унга қарши маълум бир амалий ҳаракатлар қўллаб жазолаш. 3. Сиёсий жараён куч ишлатмасдан тинч йўл (музокаралар, мажлислар, юқори даражадаги учрашув ва бошқалар) билан ўз мақсадларига эришиш усули сифатида.

Ташқи сиёсатнинг асосий мақсадлари орасида биринчидан, давлат хавфсизлигининг таъминланишини, иккинчидан, давлатнинг моддий, сиёсий, ҳарбий, интеллектуал ва бошқа салоҳиятини ошириб боришга интилишни, учинчидан, халқаро муносабатларда унинг обрўси (престижи) ўсишини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур мақсадларни амалга ошириш халқаро муносабатлардаги ва дунёдаги аниқ бир ҳолат ривожланиш босқичлари билан белгиланади. Ташқи сиёсатда давлат фаолияти бошқа давлатлар мақсад ва манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим, йўқса, у бесамар бўлиб қолиши ва ижтимоий тараққиёт йўлида тормозга айланиши мумкин.

Давлат ташқи сиёсатининг муҳим функцияларига қуйидагилар киради:

1. Бошқа давлатлар томонидан агрессия, милитаризм, риваншизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши турувчи мудофаа функцияси. 2. Икки хил вазифага эга вакиллик-ахборот функцияси: биринчиси ўз ҳукуматини бошқа давлатлардаги ҳолатлардан хабардор этиб турувчи, ва иккинчиси, бошқа давлатларни ўз давлати олиб бораётган сиёсатдан хабардор этиб туриш функцияси. 3. Турли давлатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий техникавий алоқаларнинг ўрнатилиши, ривожланиши ва мустаҳкамланишига қаратилган савдо-ташкилотчилик функцияси.

Ташқи сиёсатнинг асосий воситаси бўлиб дипломатия хизмат қилади. Мазкур термин юнон тилидан келиб чиққан: диплома – у фақат ўзларига топширилган ваколатларни тасдиқловчи ёзувлар туширилган икки тахтача бўлиб, ҳозирги кундаги ишонч ёрлиқлари вазифасини ўтаган ва элчиларга

берилган.¹ Дипломатия – бу ноҳарбий бўлган амалий чора-тадбирлар, усуллар ва услублар мажмуи бўлиб, қўйилган вазифалар ва аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Дипломатик хизмат ишчиси одатда, махсус олий таълим муассасаларида тайёрланади. Дипломат – бу давлатнинг мансабдор шахси бўлиб, ташқи сиёсат бўйича, инсон ҳуқуқлари ва мулк шунингдек, ўз давлати фуқароларининг ҳуқуқлари бўйича давлатнинг хориждаги элчихоналари ва миссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Шу сабабли дипломат барча йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли бўлган ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, консенсус, компромисс ва ўзаро маъбул қарорлар қабул қилиш орқали халқаро можароларнинг олдини олиш мақсадида музокаралар олиб бориш санъатига эга бўлиши керак.

Кенг тарқалган дипломатик усулларга расмий ташрифлар ва юқори даражадаги музокаралар, конгресслар, конференциялар, мажлислар ва учрашувлар, консультациялар ва фикрлар алмашинуви, тайёргарлик ва иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар ва бошқа дипломатик ҳужжатларнинг қабул қилиниши, халқаро ва давлатлараро, ҳукуматлараро ташкилотлар ва уларнинг органлари ишларида иштирок этиш, дипломатик ёзишмалар, ҳужжатларнинг чоп этилиши, давлат арбобларининг элчихона ва миссиялардаги қабуллар пайтидаги мунтазам суҳбатларини ташкил этиш киради. “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўлида кенг миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга интилиш ўз ифодасини топган”².

Ташқи сиёсат ўз ташкилий конституциявий-ҳуқуқий механизмига эга бўлиб, унинг асосий белгиловчиси бўлиб мазкур давлатнинг халқаро ҳуқуқ нормаларида ўрнатилган ва ўзаро ён босувлар ва компромисслар асосида яратилган мажбуриятлари ҳисобланади.

¹ Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. –Б-260

² Каримов И.А. Маънавий бирлик сари муҳим қадам // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б-109

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий тамойилларидан бири бу ҳудудий яхлитлик тамойилидир. Бу эса бошқа давлат ҳудудига таҳдидлар қилиш ва унинг ҳудудий дахлсизлигига қарши қаратилган куч ишлатишнинг мумкин эмаслигини кўзда тутди.¹ Бундай тамойил давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш қондасига асосланиб, куч билан таҳдид қилмаслик ёки куч ишлатишдан ўзини тийиш мажбурияти билан чамбарчас боғлиқ, бунда ташқаридан қуролли ҳужум бўлган тақдирда давлат ўзини индивидуал ёки коллектив ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа кўплаб давлатлараро келишувларда мустаҳкамланган. БМТнинг 1960 йилдаги Мустамлакадаги мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларациясига мувофиқ, ҳар бир халқ ўз миллий ҳудудий яхлитлиги ва ўз суверенитетини тўлиқ эркин амалга оширишнинг ажралмас ҳуқуқига эга. Шунинг учун бегона ҳудудни куч билан ушлаб туриш ёки уни босиб олиш таҳдиди аннексия ёки агрессия ҳисобланади. Бугун эса шунга амин бўлиш мумкинки, ҳар бир халқ хавфсизлиги бутун инсоният хавфсизлигидан ажралмасдир. Шу сабабли, дунёни янгича қуриш ва унинг кейинги тараққиёт истиқболларининг ҳамма томонлама тафаккур этиш муаммоси туғилади.

Ташқи сиёсат давлатнинг иқтисодий, демографик, ҳарбий, илмий-техникавий ва маданий салоҳиятига таянади; мазкур салоҳиятлар давлатнинг у ёки бу йўналишда ташқи сиёсат юритиши имкониятини, ташқи сиёсий мақсадларни белгилаш ва амалга ошириш устунлиги иерархиясини аниқлаб беради.² Давлатнинг геосиёсий жойлашуви унинг ўзига иттифоқчиларни танлаш ва унинг рақиблари билан муносабатларини ривожланишида тарихан устун турган.

Давлат ташқи сиёсатини амалга ошириш шаклларига:

◆ давлатлар билан дипломатик муносабатларини ўрнатилиши;

¹ Дипломатический словарь. М., 1989. Т. 1-3. С-168

² Шарипов Ш.Ф. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон, 1992.-Б-369

♦ жаҳон миқёсидаги ва минтақавий халқаро ташкилотларда ваколатхоналар очилиши ва уларда аъзолик қилиш;

♦ давлатга дўстона муносабатда бўлган ҳорижий сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

♦ дипломатик муносабатлар ва дўстона алоқалар ўрнатилмаган аммо у ёки бу сабаблар бўйича манфаатлари бўлган давлат вакиллари, ҳорижий партиялар ва ҳаракатлар билан эпизодик ва мунтазам алоқаларни турли даражада амалга ошириш ва ушлаб туриш¹.

Ҳорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар йўлининг мавжудлиги давлатга ташқи сиёсий фаолият усуллари ва воситаларини уйғунлаштиришга ёрдам беради:

- турли даражадаги делегациялар ва ахборот алмашинуви;
- масалаларнинг кенг спектри бўйича, ҳатто махфий ва конфиденциал характердаги ҳамда иккитомонлама ва кўптомонлама шартномаларнинг қабул қилиниши;
- маълум бир давлатнинг ички ва ташқи сиёсий фаолияти имкониятларининг ривожланишига ва бошқа давлатларнинг худди шундай имкониятларини бартараф этишга кўмаклашиш;
- ракета ва ядровий урушнинг олдини олиш;
- маҳаллий можароларнинг олдини олиш бўйича превентив чоратadbирларни ташкил этиш ва уларни кенгайтишига йўл қўймаслик;
- техноген ҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тезроқ йўқотиш мақсадида ҳамкорлик қилиш;
- очлик, касалликлар билан кураш ва атроф-муҳит муҳофазаси;
- урушга тайёргарлик ва уруш ҳаракатларини олиб бориш учун қулай ташқи сиёсий ҳолатни таъминлаш ва бошқалар².

¹ Одиқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. –Б-261

² Шарипов Ш.Ф. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б-369

Ташқи сиёсат ўз мақсадларида, усул ва воситаларини танлашда, давлатдаги ички сиёсий ҳолатларларни акс эттиради ва унда мавжуд ресурслар ва кадрлар салоҳиятига таянади.

Ташқи сиёсат йўналишини шакллантиришда ташқи сиёсат назарияси катта аҳамиятга эга. Унинг асосида ташқи сиёсий мақсадларга эришиш усуллари ва методлари каби самарали механизмлар ишлаб чиқилади.

Ташқи сиёсат шу учун махсус яратилган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Кўпчилик замонавий давлатларнинг давлат структурасида қуйидагилар мавжуд:

◇ ташқи сиёсатни амалга ошириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш бўйича махсус орган – ташқи ишлар (ёки ташқи алоқалар) вазирлиги ва ташқи сиёсат масалалари бўйича парламент қўмиталари;

◇ таркибида ҳарбий масалалар (ҳарбий атташе), иқтисодий масалалар (савдо вакиллари) ва маданий ҳамкорлик бўйича мутахассислар ишлайдиган элчихона ва ваколатхоналар;

◇ элчихона ва ваколатхоналар назорати остида нисбатан мустақил дастурлар бўйича ишлайдиган ҳориждаги илмий ва маданий марказлар;

◇ расмий ва яримрасмий миссиялар (масалан АҚШдаги “Тинчлик корпуси”) ва бошқалар.

Халқаро муносабатларнинг тан олинган тамойили бу - ўзаро дўстликдир. Унга кўра, давлатлар, айниқса халқаро хавфсизликни таъминлашга доир масалаларда бир-бири билан тенгҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатлилиқ асосда муносабатларга киришиши лозим.

1.2. Ҳиндистон ва МО давлатлари алоқаларининг шаклланиш босқичлари.

Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари алоқалари милоддан аввалги даврларга бориб тақалади. Асосан бу ҳақда ҳинд олимларининг тадқиқотларида кўпроқ маълумот учратиш мумкин. Хусусан, ҳинд профессори доктор Джиотсна Бакшининг таъкидлашича, Марказий Осиё халқлари ва минтақаси ҳақидаги илк ёзувлар Ҳиндистоннинг энг қадимий санскрит ёзувлари ҳисобланган Ведалар, Пуран, Рамайна ва Маҳобҳорат эпосларида, шунингдек, санскрит адабиётининг бошқа мумтоз асарларида топилган ва ўз аксини топган¹.

Бундан ташқари, Д.Бакши Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбида милоддан аввалги 7 асрдаёқ энг қадимий Таксил университети бўлганлиги ва бу ерга Марказий Осиёдан ҳам жуда кўплаб талабалар келиб таълим олганлиги ҳақида ёзиб ўтган². Яна бир қизиқ далиллардан бири - бу милоддан аввалги 3 асрда Ҳиндистон императори Ашока ўз элчиларини Қадимги Бактрияга севги ва ҳамдардлилик хабари бўлган буддизмни ёйиш мақсадида жўнатганлигидир³. Бундан ташқари, доктор Д.Бакшининг фикрича, 1-2 асрларда ташкил топган Кушон подшолиги Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқларининг биргаликдаги фаолияти натижасидир. Кушонлар ўша пайтда буддизмни қабул қилишган ва давлат динига айлантиришган, кейинчалик эса буддизм айнан шу давлат таъсирида бутун Марказий Осиё ва Ҳитойга тарқалган⁴. Япон олими Коги Кударанинг ёзишича, Буюк ипак йўли нафақат савдо-сотиқ, балки Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасида буддизм фалсафаси ва санъатининг ҳам тарқалишига хизмат қилган⁵. Буюк Ипак йўлининг шимоли-ғарбий Ҳиндистон ва Марказий Осиёни боғлайдиган

¹ Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекско-индийского сотрудничества Под.Ред.Д-ра Джиотсна Бакши. Т.:2007, -С-.88

² Қаранг, ўша ерда.

³ Қаранг, ўша ерда.

⁴ Қаранг, ўша ерда.

⁵ Коги Кудара, Kogi Kudara(Ръюкии университети, Киото), „A Rough Sketch of Central Asean Buddhism“, Pacific World <http://shin-ibs/pdfs/pwj3-4/06KD/pdf>.

жанубий қисми “пахта ва қимматбаҳо буюмлар йўли” деб номланиши ҳам ўша пайтда иккала минтақа ўртасида савдо-сотиқнинг гуллаб-яшнаганидан далолатдир. Ўзбекистонда олиб борилган археологик қазишмалар вақтида, худди бошқа Марказий Осиё давлатларидаги каби кўплаб Буддизм санъати ҳазиналари топилди¹.

V асрга келиб, Марказий Осиёда ўрнашган кидарийлар, ундан сал кейин эфталлар Ҳиндистонга жуда катта таъсир кўрсатишган. Хусусан, сосонийлардан енгилган кидарийлар Ҳиндистонга чекинишади ва бу ердаги Гупта давлатини ўзига бўйсундириб, у ерда 75 йил ҳукмронлик қилишади².

Яна бир Марказий Осиёдаги халқлардан бири бўлган эфталлар Қобул ва Панжоб водийларини эгаллайдилар. Сўнгра Урумчи, Қорашар, Куча, Хўтон ва Кошғар шаҳарлари забот этилади. Натижада V асрнинг иккинчи ярми ва VI аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Эрон, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ягона ҳудудга бирлаштирган илк ўрта асрларнинг янги кудратли Эфталлар давлати ташкил топади. Гарчи бу давлат сиёсий жиҳатдан Кушон подшолигига нисбатан унчалик мустаҳкам бўлмаса-да, аммо майдони жиҳатидан ундан улканроқ эди³. Кейинги даврларда вужудга келган Турк ҳоконликлари чегаралари Ҳинд дарёсигача етиб борсада, аммо Эрон, Византия ва Ҳитой каби буюк давлатлар қуршовида бўлганлигига қарамай Ҳиндистонга эътибор сусаймаган, у билан Марказий Осиё халқлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар кенгайтирилган⁴.

X асрга келиб эса, Амударё бўйларида то Шимолий Ҳиндистон чегараларигача бўлган ҳудудда Ғазнавийлар давлати ташкил топади, мазкур давлат ҳам Ҳиндистон билан ҳар томонлама алоқалар олиб борган, бу ҳақда

¹ P.C.Агравал, R.C.Agrawal. „Recent Excavations in Uzbekistan and India’s Contact with Central Asia“, Н.Н.Вохра китобида N.N.Vohra, Culture, Society and Politics in Central Asia and India, Shipra and India International Centre, Delhi, 1999, -P-.35; Радха Райна Radha Raina, Glimpses of the Past, Cultural Rhythms, India and Central Asia, External Publicity Division, Government of India, New Delhi, 2002,-P-20-22,25

² Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача): Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик. - Т.: 2004.-Б-17

³ Қаранг, ўша ерда, - Б-18

⁴ Қаранг, ўша ерда, -Б-45

машҳур Марказий Осиё олими Абу Райҳон Беруний ўзининг “Тарих ал Ҳинд” асарида таъкидлаб ўтади¹. Хусусан, Беруний санскрит тилини мукамал билганлиги, унинг ҳинд жамиятини жуда яхши ўрганишига ва у асосда юқорида номи келтирилган улкан асарни ёзишга муваффақ бўлади. Асарда у Ҳиндистоннинг географияси, аҳолисининг мифологик тасаввурлари ҳақида маълумот беради.

Кейинги даврларда, хусусан муғулларнинг Марказий Осиёга истилоси бошланган 13 асрларда Марказий Осиёнинг машҳур сулолалари Ҳиндистондан паноҳ топишади, Ҳиндистон улар учун тинчлик макони эди².

Ўзбек тарихшуноси И.Г.Низомиддинов ҳам Ўрта Осиё билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги сиёсий алоқалар ўзининг минг йиллик тарихига эгалигини таъкидлаб, бу мамлакатнинг қалқлари оғир тарихий даврларда ўзаро сиёсий ҳамжиҳатлик ҳам қилганликларини яна бир бор эслатиб ўтади. Бундай сиёсий ҳамжиҳатликни айниқса Чингизхон бошлиқ мўнғул кўчманчи босқинчларига қарши курашда яққол кўриш мумкин. Мўнғуллар Ўтрор, Самарқанд ва Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларни вайрон қилиб, Хоразм давлати территориясини босиб олганларидан кейин, Хоразм шоҳи Муҳаммад II нинг ўғли Жалолиддин мўнғулларга қарши куч тўплаш мақсадида 1221 йилда Афғонистонга сўнгра Ҳиндистонга бориб афғон ва ҳинд князларидан умумий душманга қарши курашда ёрдам кўрсатишни сўрайди. Бунга жавобан ҳинд ва афғон князлари Аграк Малик, Аъзам Малик(Пешовардан) ва Ямин Малик бошлиқ йигирма минг кишидан ортиқ кўшини билан Жалолиддин бошлиқ катта армияга келиб қўшилади³.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқалар XV-XVI асрларда ҳам маълум изчиллик билан давом этади. Маълумки, XV асрдан XVI аср бошларигача Ўрта Осиё, ҳозирги Афғонистон ва Эрон территорияси

¹ Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекско-индийского сотрудничества Под.Ред.Д-ра Джиотсна Бакши. Т.:2007, С-89

² Қаранг, ўша ерда.

³ Низомиддинов И. Г. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. –Т.: Фан, 1966.-Б-12

темурийлар давлати таркибига кирган эди. Темурийлар давлати қўшни мамлакатлар – Хитой, Ҳиндистон ва Туркия султонлиги билан сиёсий алоқа ўрнатган эди. Темурийлар айниқса Шохруҳ давлати вақт –вақти билан Ҳиндистоннинг сиёсий ҳаётига аралашиб ҳам турар эдилар. Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган ғорати (1398 йил май — 1399 йил март) қарийб ўн бир ой давом этади. Ҳиндистондан у катта ўлжа, шу жумладан, 120 та жанговар филлар билан қайтади. Ўлжаларнинг бир қисми навкарларга тарқатилиб, қолгани Самарқанд ва Кеш шаҳарларида олиб борилаётган қурилишларга сарф этилади¹. Бундан ташқари Темур ўзининг ҳар бир ғалабасидан сўнг, муҳташам меъморлик обидасини барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистондан олиб келинган юзларча моҳир ғишт терувчи баннолар мамлакатда гўзал иморату-иншоотлар бино қиладилар. Амир Темур улкан салтанат соҳиби, жасур саркарда ва буюк давлат арбобигина эмас, у санъат ва маданиятнинг ишончли ҳомийси ҳам эди. Ҳарбий юришлар асносида маҳв этилган мамлакатлар Эрон, Сурия, Анатолия ва Ҳиндистондан моҳир хунараманд усталар, наққошлар, меъморлар, рассомлар, ҳаттотлар, мусаххихлар, бастакорлар, олимлар ва фозилларни Самарқандга даъват қилди ва уларни ўз ҳимоясига олди. Уларга ўз маҳоратларини намоиш этишлари, янада такомиллаштиришлари ва маҳаллий аҳоли орасида кенг ёйишлари учун қулай шароит яратиб берди². Яна мазкур даврда Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг қизғин бўлганлигидан 1404 йилнинг сентябрь—ноябрь ойларида Самарқандда бўлган испан сайёҳи ва тарихчиси Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга Ҳиндистондан олий навли турли-туман майда атторлик моллари: мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, занжабил, амбар,

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача): Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик. - Т.: 2004.-Б- 214

² Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.:2005.-Б- 18

долчин ва Искандарияга олиб борилмайдиган бошқа турли нарсалар келтирилишини таъкидлаб ўтади¹.

Бундан ташқари, темурийлар давлатининг Ҳиндистонга юборган Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий бошлиқ элчилари темурийлар давлати билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади. Машҳур тарихчи ва замонасининг буюк давлат арбоби Камолиддин Абдуазоқ Самарқандий (1413 йили Ҳирот шаҳрида туғилган) Эрон ва Турон ҳокими Шохруҳ саройининг яқин кишиларидан ҳисобланиб, кўпинча элчилик вазифасини ўтаган. Абдураззоқ Самарқандий 1442 йили Ҳиндистонга, 1447 йили Гилонга элчи қилиб юборилди. У Шохруҳ вафоти олдида Мисрга элчи қилиб тайинланган бўлса ҳам, аммо Шохруҳнинг ўлими ва мамлакатда сиёсий вазиятнинг ўзгариб кетиши натижасида бу шарафли вазифани бажара олмади².

Шохруҳ билан Улуғбек замонида Тибет ва Ҳиндистон билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилади. 1421 йилда Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келади. 1441— 1442 йилларда Шохруҳ Ҳиндистонга, Бижанагар саройига тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар юбо-ради. У Кирмон, Ормуз ва Форс қўлтиғи орқали Ҳиндистонга қилган саёҳатини ёзиб қолдиради.

Шохруҳ давлатининг ички ва ташқи сиёсати билан яқиндан таниш бўлган Абдураззоқ Самарқандий илмий жиҳатдан ката аҳамиятга эга бўлган икки томлик “Матлауссаъдайн ва мажмаул баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиши”) номли асарини яратди.

Маълумки, 1442 йили Шохруҳ томонидан Ҳиндистонга элчи қилиб тайинланган Абдураззоқ Самарқандий, элчилик таркибига кирган бошқа кишилар билан бирга, Ҳиротдан Кермон орқали Жерун (Хўрмуз)² га етиб келади. Бу ерда икки ойча туриб, сўнгра Маскатга яқин Калохот деган жойга

¹ Қаранг, -Б-234

² А.Ўринбоев, Абдураззоқ Самарқандий ва унинг Ҳиндистон сафари. – Т.: “Ўзбекистон маданияти”, 1958 йил 2 июль.

келади ва элчилар иссиқдан бетобланиб қолганлиги сабабли, бу ерда тўрт ой туради. Ниҳоят, у ўз одамлари билан Ўммон (Арабистон) денгизи орқали Ҳиндистоннинг Коликут сомриси (ҳокими) ўз саройида қабул қилади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай деб ёзади: ”.... Мен бошқа ҳиндларга ўхшаш ярим ялонғоч бир кишини (подшоҳни) кўрдим. У жойнинг подшоҳини сомри дер эканлар Мен сомрининг ҳузурига кирганимда, уерда 2 -3 минг ҳинд ўтирган эди, сарой мақтовга арзийдиган даражада ясатилган эди. Коликутда яшовчи мусулмонларнинг каттаси ҳам шу ерда ҳозир бўлиб, у менга жой кўрсатди. Ҳокон Саид ҳазратлари (Шохрух) нинг нишонларини сомрига ўқиб бердилар ва мен совғага келтирилган от, тилладўзи кўйлак ва кулоҳи наврузиларни топширдилар”¹.

Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон муносабатлари тарихида машҳур давлат арбоби, файласуф, тарихчи ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва у асос солган Бобурийлар сулоласи алоҳида ўрин тутати. Жаҳон тамаддуни тарихида Бобур ва Бобурийлар тутган ўрни ва аҳамиятини ҳинд давлат ва фан арбоблари Ж. Неру, М.Ганди, А.К.Сингх, Б.А.Луния ва бошқалар объектив тан олишган. Бу ҳақда доктор Д.Бакши ҳам шундай таъкидлаб ўтади: “1483 йилда ўзбек шаҳри бўлган Андижонда таваллуд топган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда буюк Муғуллар империясига асос солди. Жавоҳарлал Неру Бобурни унинг ҳартомонлама иқтидори ва таълим, санъат ҳамда гўзал ҳаётга бўлган севгиси учун уни Уйғониш даври шахзодаси деб атайди”².

Бобур асос солган давлат Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари маданиятлари асосида ривожлана бошлади. Ҳиндистон ва Марказий Осиёдаги архитектура усулларининг ҳам бир-бирига таъсир этганлигини, Самарқанд ва Бухоро архитектураси ва биноларининг Ҳиндистонда ҳинд-

¹ Низомиддинов И. Г. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. –Т.: Фан, 1966.-Б-12

² Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекско-индийского сотрудничества Под.Ред.Д-ра Джиотсна Бакши. Т.:2007, -С-.90

ислом архитектурасига қанчалик катта таъсир этганлигида ҳам кўриш мумкин.¹

Кейинги даврлардаги Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар савдо-сотик соҳаларида олиб борилган бўлсада, лекин Марказий Осиё ва Бобурийлар империясидаги феодал тарқоқликлар натижасида сиёсий муносабатлар камроқ кузатилди ёки бу ҳақда маълумотлар кам ўрганилган.

Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар Собиқ Совет Иттифоқи даврида озмунча кузатилди.

Марказий Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни тарихан кузатадиган бўлсак, унда бир томондан идеалистик назариядаги дўстона муносабатларни ривожланганини кўрадиган бўлсак, бошқа томондан эса, мазкур муносабатларда реалистик назарияга асосланган давлат манфаатлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш каби жараёнларни кўриш мумкин. Кушонлар даврида Ҳиндистоннинг бир қисми мазкур давлатга қўшиб олинган бўлсада, аммо Ҳиндистонда кенг тарқалган буддизм динининг Кушонлар давлатида асосий динга айлангани, мазкур давлатларнинг бир-бирига жуда катта таъсир этганлигидан далолатдир. Ҳиндистонда Бобурийлар ҳокимияти ўрнатилишидан олдин, ҳукм сурган тартибсизлик ва Бобурийлар салтанати ташкил этилгандан кейинги маданий, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш иккала минтақанинг бир-бирига ижобий таъсир этишига олиб келди.

¹Қаранг ўша ерда. -Б-90

2-БОБ. Ҳозирги даврда Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари.

2.1. Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари муносабатларининг бугунги ҳолати

Совуқ урушининг тугаши дунё халқаро майдонидаги вазиятни тубдан ўзгартириб юборди ва бундай кескин ўзгариш халқаро муносабатлар субъектларининг сиёсий тизими билан биргаликда давлатларнинг иқтисодий инфраструктурасини ҳам қайтадан кўриб чиқишни талаб қилди. Собиқ совет ҳукумати ўрнида юзага келган ўн бешта мустақил давлатларнинг вужудга келиши Европа ва Осиё минтақаси ҳаритасини ҳам ўзгартириб юборди. Эндиликда табиий ресурсларга, кўпроқ энергетик ҳом ашёга ёш мустақил давлатлар билан бир каторда, АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон ва Европа давлатларда ҳам талаб оша бошлади¹. Марказий Осиё эса бундай табиий ресурсларга бой минтақа ҳисобланади.

XXI асрга келиб Марказий Осиё юқорида келтириб ўтилган ривожланган ва Ҳиндистон, Хитой каби ривожланаётган давлатларнинг манфаатлари тўқнашаётган минтақага айланиб қолди². Ҳозирги кунга келиб халқаро майдонда ҳамкорлик ва рақобат тенденциялари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ривожланишнинг яна бир янги босқичига ўтиш, давлатларнинг фақатгина рақобатлашишидан ташқари, уларни ҳамкорлик орқали юксалишлари ҳам, улар учун самарали ва зарур эканлигини кўрсатмоқда.

Марказий Осиё Ҳиндистон учун ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлган минтақа ҳисобланиб келган ва бугунги кунда ҳам Ҳиндистон ушбу минтақа билан олиб борилаётган икки ва кўп томонлама алоқаларга қадимдан мавжуд бўлган ҳамкорликнинг давоми сифатида қарайди³.

¹ Dashdorjin Bayarkhuu, "Geopolitics of the New Central Asia", World Affairs, Vol.8, No.1, January-March 2004, P-58

² Gawdat Bahgat, "Central Asia and Energy Security", Asian Affairs, Vol.37, No.1, March 2009, -P-1

³ Jatar S.C.N. Indian Energy Strategies and Central Asia // India and Central Asia. Brunel. Op.cit. –P-.304, 325

Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ривожланиши ҳам кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Ушбу минтақа иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг тез суръатларда дунё стандартлари томон илдам одимланаётганида ривожланган давлатлар билан бир қаторда, Ҳиндистон ва Хитой каби ҳам иқтисодиёти, ҳам аҳолисининг ижтимоий ҳаёт тарзи тез суръатларда ўсаётган давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг тажрибалардан фойдаланиш катта самара бермоқда. Айниқса, Ҳиндистоннинг ушбу минтақа давлатлари билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун киритаётган инвестициялари ва савдо сотиқнинг жадаллашуви юқоридаги фикрларнинг яққол далилидир.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириши минтақадаги кучлар мутаносиблигини таъминлайди, ҳамда давлатларининг тинч ва барқарор ривожланиши учун замин яратади¹.

Ҳиндистоннинг ташқи сиёсат стратегиясига кўра “Ҳиндистоннинг таъсир доирасини кенгайтиришни урта ҳалқага бўлинади. Биринчи ҳалқа бевосита чегарадош қўшни давлатларни ўз ичига олиб, бунда Деҳли етакчиликлари ва учинчи кучларнинг (минтақа масалаларига) аралашувига қарши вето ҳуқуқига интилади. Иккинчи ҳалқа қўшни Осиё минтақаларини ҳамда Ҳинд океани қирғоқларини қамраб олиб, бунда Ҳиндистоннинг мақсади буюк давлатлар таъсирини мувозанатга келтиришга ва уларнинг Ҳиндистон манфаатларини эътиборга олишларига қаратилган. Учинчи ҳалқа эса бутун жаҳон аренасини ўз ичига олиб, бунда Ҳиндистон халқаро тинчлик ва хавфсизлик масалаларида ҳал қилувчи буюк давлатлардан бирига айланишни назарда тутди”².

¹ Meena Singh Roy. “India’s interests in Central Asia”, Strategic Analysis, Vol. XXIV, No. 12, March 2001.

² Мохан Си Раджа, Индия и политическое равновесие//Россия в глобальной политике//Москва 2006 №4 июль-август –С-. 9

Маълумки, бугунги кунга келиб Ҳиндистон ўзининг юқори иқтисодий ўсиш даражаси билан ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажми бўйича дунёдаги тўртинчи давлатга айланиб улгирди. Бироқ унинг ташқи савдо балансида дефицит кузатилмоқда. Бу унинг ташқаридан келтириладиган ёқилғи-энергетик, минерал ҳом-ашё ва бошқа табиий ресурслари билан боғлиқ. Ҳиндистон энерго-маҳсулотларнинг 40% га яқинини импорт қилади, унинг асосий қисми, яъни 70 % эса Яқин Шарқдан амалга оширилади. Яқин Шарқдаги беқарор вазиятни инобатга олсак, Ҳиндистон ташқи сиёсатида энергетик хавфсизлик марказий ўрин тутди. Шу ўринда Марказий Осиёнинг энерго-захиралари Ҳиндистон учун муқобил манба сифатида эътиборга эга.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро чегараларининг йўқлиги, ҳамда Марказий Осиё давлатларнинг очик денгиз билан чегаралари бўлмаганлиги (landlocked ҳудудлиги) учун Ҳиндистон ушбу минтақа билан икки хил йўналиш орқали савдо алоқаларини олиб бориши мумкин. Биринчиси, бу Покистон ва Афғонистон орқали ўтадиган эски транспорт ва савдо йўллари орқали. Лекин Ҳиндистон ва Покистоннинг бугунги кундаги ўзаро муносабатларини ҳисобга оладиган бўлсак, Покистон ўз ҳудудидан Ҳиндистон товарларини ўтказишга рухсат бермайди. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон ҳозирги кунда иккинчи йўналиш, яъни Эрон ва Афғонистон орқали Марказий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама алоқаларни олиб бормоқда¹.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан дипломатик алоқалари асосан икки томонлама муносабатларга асосланган.

¹ C. Christine Fair, "India and Iran: New Delhi's Balancing Act," The Washington Quarterly, XXX, NO. 3, Summer, 2007, -P- 145-159

Ўзбекистон билан алоқалар

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўзаро тарихий ва маданий муносабатлар замирига қурилган десак муболаға бўлмайди. Бунга биз юқорида кўриб чиққан Заҳириддин Муҳаммад Бобур давридан тортиб амалга оширилиб келинаётган алоқаларни мисол қилиб айтиш мумкин, шунингдек 1995 ва 1961 йилларда Ҳиндистон бош вазири Жавахарлал Неру ва Индира Гандиларнинг Тошкентга қилган ташрифларини, ёки 1966-йили Ҳиндистон бош вазири Лал Боҳодир Шастрининг Тошкентга келишини айтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 1991-йил 17-19-август кунлари Ҳиндистонга ташриф буюрган ва иқтисодиёт, савдо-сотиқ, илмий ва техник, маданият ва санъат, таълим, туризм, спорт ва оммавий ахборот воситалари соҳаларида кенг миқёсда ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан келишувларга имзо чекди¹. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатларга расман 1992-йил 18-мартда асос солинди. Бугунги кунга келиб икки давлат ўртасида 61 та икки томонлама шартномалар имзоланган. Шунингдек, Ўзбекистон Ҳиндистонни БМТнинг ҳавфсизлик кенгашининг вақтинчалик аъзолигига қўйган номзодлигини қўллаб қувватлаган.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо алоқаларини йўлга солиш учун 1993-йил май ойида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Ушбу учрашувда иккала давлат ўзаро келишган ҳолда чегара божларини икки баравар арзонлаштириш тўғрисидаги келишувга ҳам имзо чекишди. Ҳиндистоннинг “Spentex” текстил компанияси 2006-2007-йилларда 81 млн. АҚШ долларига Тошкент атрофидан 2 та ва Фарғона вилоятидан ҳам битта текстил фабрикасини сотиб олди. Шунингдек Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида айниқса, фармацевтика соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга

¹ India & Uzbekistan relations, http://www.orexca.com/uzbekistan_india.shtml

ихтисослашган Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхоналари ишлаб турибди¹. Шунингдек, Ўзбекистонда "Dr. Reddys Laboratories" йирик фармацевтика компаниясининг ваколатхонаси очилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2010-йили Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги умумий савдо айланмаси миқдори 103.9 млн. АҚШ долларига етди, бу дегани, 2009-йилги савдо айланмасидан 27.3% баробар кўпдир. Ҳиндистоннинг Ўзбекистонга қиладиган экспортининг асосий қисмини доридармонлар, фармацевтика маҳсулотлари, станок ва асбоб-ускуналар, металл маҳсулотлар, қоғоз ва ёғоч маҳсулотлари, гўшт ва шу каби маҳсулотлар ташкил қилади. Ўз ўрнида Ўзбекистон ҳам Ҳиндистонга пахта ҳомашёси, тери, ипак ҳомашёси, ёқилғи ва рангли метал каби маҳсулотларни экспортга чиқаради. Шунингдек, Ҳиндистон Ўзбекистон Республикасига 2010-йил давомида 6.73 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киргизди.

Ўзбекистоннинг Миллий банки (НБУ) ва Ҳиндистоннинг ЕХИМ банклари ўртасида “доллар кредит линияси” деб номланган шартнома 2008-йили 21-августда Тошкентда тузилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистонлик харидорларнинг Ҳиндистондан 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни кредитга сотиб олиш имкониятини яратиб берди.

Икки давлат ўртасида маданий-маърифий ишлар бўйича ҳам жуда кизғин алоқалар олиб борилмоқда. Мисол учун, 2003-йили Ўзбекистон ва Ҳиндистон Маданият марказларининг ўзаро дастурларига биноан, Ҳиндистондан 2 та мусиқа жамоаси Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзларининг миллий ва замонавий санъатларини намойиш қилишди. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг ҳам 2 та мусиқий жамоаси Ҳиндистонга бориб, у ерда ўз санъатлари билан Ўзбекистон довуғини яна бир бор кўкларга

¹Krishna's visit to Uzbekistan: the makings of India's central asia policy, http://www.orexca.com/uzbekistan_india.shtml

кўтариб келишди. Бундай маданий маърифий тадбирлар деярли ҳар йили икка давлатда ҳам ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Манал Шах Алкадрининг берган интервьюсига кўра, Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури (ИТЕС) доирасида ҳар йили Ўзбекистонлик 120 нафар мутахассис Ҳиндистоннинг нуфузли олий таълим муассасаларида ўз йўналишлари бўйича малака оширади. Булар ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши, меҳмонхона бизнеси каби соҳалардир. Тошкент ахборот технологиялари университетида Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази фаолият юритмоқда.

Шунингдек “Ўзбекистон Ҳиндистон билан қишлоқ хўжалиги, илм-фан ва юқори технологиялар” соҳасида сармоявий ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда келгусида икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдори. Ўзбек олимлари билан биргаликда илм-фаннинг ривожланаётган тармоқларида, масалан, қуёш энергетикаси соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ниятидамыз”¹ дейди Ҳиндистон мухтор элчиси.

Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали Ўзбекистон ва Ҳиндистон йўловчилари учун ҳафтада саккиз марта қатновчи самолёт рейси йўлга қўйилган бўлиб, шунинг ўзи ҳам икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг қанчалик қизғин эканлигини кўрсатиб туради.

Қозоғистон билан алоқалар

Ҳиндистон Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги декларацияга 2009-йил январ ойида имзо чекилди. Ҳиндистон билан Қозоғистон давлатлари ўртасидаги икки томонлама муносабатларга аслида 1992-йил февралда асос солинган бўлиб, Президент Н.Назарбоевнинг

¹ Hindiston elchisining intervyusi. 26.08.2010 <http://uzapi.gov.uz/uz/news/info/country/416/>

Ҳиндистонга қилган ташрифи МДХ давлатларидан ташқари ташриф буюрган биринчи давлат ҳисобланади.

Шунингдек, иккала давлат раҳбарлари 2009-йил 16-июнда бўлиб ўтган ШОСнинг Екатеринбургдаги саммитида ва 2010-йил 11-апрелда Вашингтонда бўлиб ўтган Ядро ҳавфсилиги саммитида учрашишди ва икки томонлама алоқаларни ривожлантириш борасида суҳбат қуришди. Ушбу суҳбатнинг давоми сифатида Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Шри С.М. Кришна 2010-йил 11-13-май кунлари Қозоғистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида Шри С.М. Кришна икки томонлама алоқаларни ривожлантириш доирасида кўплаб келишувларни имзолади ва шунингдек икки давлат ўртасидаги маданият, санъат, оммавий ахборот ва спорт соҳаларида ҳам ҳамкорликни яна ривожлантириш тўғрисидаги келишувларга имзо чекди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, 1992-йили Қозоғистон ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий, ишлаб чиқариш, техника ва илмий соҳалардаги ҳамкорликни ривжлантириш учун Ҳиндистон-Қозоғистон давлатлараро комиссияси тузилган. 2009-йил мартда Остона шаҳрида ушбу комиссиянинг навбатдаги 7-сессияси бўлиб ўтди. Унда юқорида келтириб ўтилган соҳаларга қўшимча равишда терроризмга қарши курашиш, ахборот технологиялари ва текстилни ривожлантириш каби бир қатор ҳамкорликларни ривожлантириш ҳақида қизғин масалалар устида суҳбат олиб борилди. Ушбу 7-сессиянинг асосий мавзуларидан бири бу савдо ва иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлатириш бўлса, иккинчиси фармацевтика соҳаси билан боғиқ бўлди.

Ҳиндистон ва Қозоғистон нафақат икки томонлама муносабатларда, шунингдек кўп томонлама муносабатларда ҳам жуҳа фаол ҳамкорлик алоқаларини олиб боришади. Мисол учун Осиё чегараларини ишончли қуриш ва ҳамкорлик қилиш конференцияси (CICA), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (SCO) ва БМТ каби халқаро ташкилотларда ҳам Ҳиндистон билан Қозоғистон яхши ҳамкорликни амалга оширишмоқда. Шунингдек Ҳиндистон

айнан 2005-йил июлда Қозоғистонда бўлиб ўтган ШОС саммитида, ташкилотга кузатувчи бўлиб қабул қилинди, бундан ташқари Ҳиндистоннинг БМТнинг ҳавфсизлик кенгашига вақтинчалик аъзо бўлишида ҳам Қозоғистон уни қўллаб-қувватлади. 2008-йилда Мумбайга террористларнинг қилган ҳужумидан кейин Қозоғистон ҳам Ҳиндистон билан биргаликда терроризмга қарши бирга кураш олиб борди.

Ҳиндистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга ҳақида гап кетганда 2009-йили улар ўртасида 253.4 миллион АҚШ доллари миқдорида товар айрибошланган бўлса, 2010-йили бу кўрсаткич 23.8% га ошган ҳолда 313.8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳиндистондан Қозоғистонга асосан чой, фармацевтика маҳсулотлари, медицина жиҳозлари, техника машиналари, тамаки ва шу каби маҳсулотлар экспорт қилинади. Қозоғистон эса Ҳиндистонга асбест, буғдой, пўлат, алюмин, жун ва тери хомашёси каби маҳсулотларни экспорт қилади. Шунингдек нефть ва газ, уран, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, информацион технологиялар, таълим, маданият ва ҳавфсизлик соҳаларида ҳам истиқболли ҳамкорликлар амалга оширилмоқда.

2009-йили президент Н.Назарбоевнинг Ҳиндистонга ташрифи чоғида ONGS Videsh қўшма корхонаси билан КазмунаиГаз ва Ҳиндистоннинг NPSIL нинг Казатомпром билан тузилган шартномаларга биноан Қозоғистон Ҳиндистонга нефть ва уран ҳом ашёларини етказиб беришини келишиб олишди¹. Ҳиндистон Қозоғистон билан олиб бораётган савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун 2009-йили ITPO (Ҳиндистон савдосини таъминлаш ташкилоти) бошчилигида ўтказилган Ҳиндистондаги ишлаб чиқариш корхонларининг кўргазмасини ўтказди.

2009-йилгача Ҳиндистоннинг Қозоғистонга 50 дан ортиқ делегацияси ташриф буюрган бўлиб, уларнинг кўпи бизнесни ривожлантиришга бағишланганди. 2009-йил Алматада Қозоғистон савдо-сотиқ ва ишлаб

¹ 'ONGC Mittal Signs Deal to Take 25% Stake in Kazakh Oilfield', Times of India, 24 January 2009

чиқаришни ривожлантириш палатаси (КССИ) ва Ҳиндистон савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш палатаси федерацияси (ФИССИ) ўртасидаги 4-қўшма бизнес учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу йили Қозоғистон ва Ҳиндистон ўртасида 2009-2011-йиллар давомида нано-технологиялари, биотехнологиялар ва кимёвий катализлар соҳасида тажрибалар алмашиб, ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Халқаро шимол ва жануб транспорт корридори проекти борасида ҳам иккала давлат фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда. Туризмга ҳам улар томонидан катта эътибор берилиб, келажакда етакчи соҳалардан бирига айланиши кўзда тутилмоқда. 2010-йил 14-22-августда Олмотанинг Атакент халқаро кўргазмалар марказида Ҳиндистон элчиҳонаси ва Қозоғистон савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш палатасининг кўмаги ёрдамида “Катта Ҳиндистон бозори” номли кўргазма ташкиллаштирилди. Кўргазмада Ҳиндистоннинг 70 дан ортиқ компаниялари турли соҳаларда ўз чиқишларни намойиш қилишди.

2010-йил 1-4- сентябрда Ҳиндистон савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш қўшма палатаси (ASSOCHAM) бошчилигида савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун 14 кишилик бизнес делегацияси Олмотага келди. 2010-йили 10-13-октябр эса Ҳиндистоннинг Қишлоқ хўжалик бош вазири бошчилигидаги 17 кишилик делегация Қозоғистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасига инвестициялар киргизиш ва ушбу соҳа имкониятларини янада кенгайтириш юзасида Олмотага ташриф буюришди.

Ҳиндистон-Қозоғистон давлатлараро комиссиясининг 8-сессияси 2010-йил 6-декабрда Нью-Делида бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон делегациясига нефть ва газ вазири Соат Муинбоев бошчилик қилган бўлса Ҳиндистон томонидан ҳам нефть ва газ вазири Мурли Деора бош бўлди. Учрашув чоғида томонлар қишлоқ хўжалиги, информацион ҳавфсизлик, таълим, соғлиқни сақлаш, медицина ва шу каби масалаларда ҳамкорликни

янада мустаҳкамлашни келишиб олишди. Икки давлат ўртасидаги Савдо ва иқтисод борасидаги қўшма ишчи гуруҳининг 1-йиғилиши 2011-йили 13-14-январ кунлари Нью-Делида бўлиб ўтди.

Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик ҳам икки томонлама алоқаларда жуда яхши қўйилган, мисол учун Қозоғистондаги Ҳиндистон маданият маркази Йога, Ҳинди ва Катҳак рақсларини бир неча йиллардан бери ўргатиб келмоқда. Шунингдек 1992-йилдан бери Қозоғистоннинг 700 дан ортиқ мутахассислари Ҳиндистон техника ва иқтисодиёт ҳамкорлиги программаси (ИТЕС) бўйича Ҳиндистонда ўз малакаларини ошириб қайтишган, шунингдек ҳозирда 140 дан ортиқ талабалар Ҳиндистоннинг ISSR (Ҳиндистон маданият ишлари бўйича консулиги) дастури орқали Ҳиндистонда таълим олишмоқда.

Туркменистон билан алоқалар

Туркменистон табиатининг табиий газ захираларига бой бўлганлиги учун, Ҳиндистоннинг энергетик ҳавфсизлик масалаларида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек Туркменистон Ҳиндистон билан ТАПИ (Туркменистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон) давлатлари ташкилотида газ қувурларини ўрнатиш дастури устида ҳамкорликни амалга оширишади¹. 2010-йил 11-декабрда тўрттала давлат ўртасидаги дастурга тегишли асосий ҳужжатлар Ашхоботда расмийлаштирилди.

Туркменистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо айланмаси 2009-2010-йилларда 46.15млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, унинг 36.15млн. Ҳиндистон экспортига қолган 10 млн. Туркменистон ҳисобига тўғри келади. Туркменистон асосан Ҳиндистонга пахта ҳомашёси ва ноорганик кимёвий маҳсулотларни экспорт қилса, Ҳиндистондан электроника, асбоб-ускуналар, жун маҳсулотлари, фармацевтика маҳсулотлари, музлатилган гўшт ва шиналарни импорт қилади. Шунингдек ҳозирда Туркменистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳафтасига саккиз марта самолёт қатнови йўлга қўйилган.

¹ “Turkmenistan: “The Most Important Part” In the Energy Great Game,” Eurasia Insight, September 5, 2007.

Тоҷикистон билан алоқалар

Тоҷикистон ва Ҳиндистон давлатлари ҳам нафақат икки томонлама муносабатларда, шунингдек бир қанча халқаро ва минтақавий масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорликни амалга оширишади.

Ҳиндистон билан Тоҷикистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан сўнг, Ҳиндистон Тоҷикистонда 1994-йили ўзининг элчихонасини очган бўлса, 2003-йили Тоҷикистон ҳам Деҳлида ўзининг консулхонасини очди ва 2006-йил уни элчихонага айлантирди.

Маданий ва маърифий соҳага тўхталиб ўтадиган бўлсак, Ҳиндистон ва Тоҷикистон университетлари ўртасида ҳам кўплаб ҳамкорликлар амалга оширилмоқда. Мисол учун Тоҷикистон давлат техника университетига Ҳиндистон томонидан “Ҳиндистон-Тоҷикистон замонавий инженерлик дастури” остида алоҳида грант ажратилди. Тоҷикистонда юзга келган қийинчиликларни бартараф этиш учун Ҳиндистон ушбу давлатга 2 млн. АҚШ доллари миқдорида грант ажратди. 2009-йилда эса Тоҷикистонда каттиқ ёғингарчилик ва тошқин оқибатида юзага келган моддий зарарларни тиклаш учун Ҳиндистон 200 минг доллар миқдорида нақд пул ажратди.

Тоҷикистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси 2009-2010-йилларда 32.57 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Шунингдек Ҳиндистон гўшт ва гўшт маҳсулотлари, фармацевтика, шакар, асбоб-ускуналар ва электроник жиҳозларни Тоҷикистонга экспорт қилиб, у ердан алюмин импорт қилади.

Ҳиндистон ва Тоҷикистон ўртасидги маданий алоқаларни ривожлантириш дастури 2006-йили ташкиллаштирилган бўлса, ҳозирга келиб бу дастур ўз фаолиятини жуда яхши адо этмоқда. Ушбу дастурга мувофиқ, Ҳиндистон маданият маркази Тоҷикистонда ҳам очилиб кўплаб тожик халқига катта хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек 2011-йил 15-февралдан бошлаб East Air компанияси Душанбе-Деҳли қатнови йўлга қўйди.

Қирғизистон билан алоқалар

Қирғизистон мустақилликка эришганидан сўнг 1992-йили Ҳиндистон билан дипломатик муносабатларга асос солинди. Ўша йили икки давлат ўртасида маданият, савдо-сотиқ, иқтисодий ҳамкорлик, фуқаролик авиацияси, инвестиция таъминоти ва муҳофазаси, чегара божларини камайтириш каби бир қатор келишувлар расмийлаштирилди.

2010-йили 4-мартда Дехлида Ҳиндистон ва Қирғизистоннинг “Қўшма савдо, иқтисодий, илмий ва технологик ҳамкорлик комиссияси”нинг 5-сессияси бўлиб ўтди. Сессия давомида мамлакатдаги минералларни ўрганиш ва ривожлантириш, озиқ-овқат соҳасини қўллаб қувватлаш, информацион технологиялар, соғлиқни сақлаш, илмий ва технологик, туризм, таълим, спорт ва маданият соҳаларини юксалтириш учун алоҳида инвестициялар жалб этиш юзасидан келишувларга имзо чекилди.

Ҳиндистон ва Қирғизистон ўртасидаги савдо айланмаси 2010-йил 13млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Қирғизистон Ҳиндистондан кийим-кечак, тери маҳсулотлари, дори-дармон, фармацевтика маҳсулотлари, чой, транспорт жиҳозлари, асбоб-ускуналар, электроника воситалари каби маҳсулотларни импорт қилиб, Ҳиндистонга метал рудалар, касбга оид жиҳозлар, тери каби маҳсулотларни экспорт қилади.

Қирғизистоннинг собиқ президенти А.Акаевнинг 2003-йилда Ҳиндистонга қилган ташрифи чоғида Ҳиндистон Қирғизистоннинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириши учун 2 млн. АҚШ доллари миқдорида грант ажратган.

2006-йил 20-мартда Ҳиндистоннинг МОУ бошчилигида Бишкекда “информацион технологияларни ривожлантириш маркази” очилди.

Маданият, санъат, таълим, илмий, оммавий ахборот воситалари ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни амалга ошириш учун Ҳиндистон ва Қирғизистон ўртасида 1992-йил 18-мартда келишув имзоланди. Шунинг натижаси ўлароқ, кўп ҳинд профессорлари

Қирғизистоннинг Ош шаҳрида жойлашган университетларда талабаларга дарс беришмоқда ва ҳозирда ҳам 700 дан ортиқ ҳинд талабалари Қирғизистонда медицина ва бошқа соҳаларда таълим олишмоқда. Бундан ташқари, Ҳиндистон маданият маркази томонидан кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, Қирғизистонда кўплаб ҳинд тадбиркорлари учун ҳам қулай шароитлар яратилган.

2.2. Ўзаро муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан муносабатларнинг учта истикболли йўналиши мавжуд бўлиб, булар тарихий, геополитик ва маданийдир. Ушбу факторларни синчликлаб кўздан кечириб, ўрганиб чиқадган бўлсак, улар нафақат Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда олиб бораётган сиёсатининг асосий қизиқишларини аниқлаб беради, балки ушбу ўзаро алоқалар давомида юзага келаётган тўсиқлар ва чекловларни ҳам кўрсатиб беради.

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, тарихий асосга кўра 1947-йили Покистоннинг мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқиши Ҳиндистонниг ушбу йилгача Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистон билан бўлган бевосита чегараларининг йўқолишига олиб келди. Бу эса Ҳиндистоннинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар бўлишига олиб келди ва Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан олиб бораётган алоқаларидаги энг катта тўсиққа айланди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ҳиндистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатини қайтадан кўриб чиқишига тўғри келди.¹

Геосиёсий нуқтаи назардан шуни айтиш мумкинки, Марказий Осиёда учта катта ва иккита ўртамиёна рақобатлашувчи давлатлар гуруҳи мавжуд. Минтақадаги катта рақобатчиларга Россия, Хитой ва АҚШ (унинг Афғонистонда мавжудлигини ҳисобга олганда) каби давлатларни киритсак, ўртамиёна рақобатчиларга эса Туркия, Эрон ва Покистон каби давлатларни санаб ўтамиз. Геосиёсий нуқтаи назар билан қараганда, Ҳиндистон Марказий Осиёдан ташқаридаги рақобатчи давлат ҳисобланиб, унинг ҳозирги кунда минтақа давлатларига ва у ердаги ижтимоий-сиёсий муҳитга кўрсатаётган таъсири тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита йўлдан бораётганлигини кўрсатади.

¹ I. Gujral, *Continuity and Change. India's Foreign Policy*, London: Macmillan, 2003, -P-.109

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда юритаётган сиёсатининг яна бир йўналиши бу маданий фактор ҳисобланади. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади - бу Марказий Осиё минтақасида ҳиндларга бўлган ҳайрихоҳликни ошириш ва ҳинд маданиятини кенг ёйишдир.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда олиб бораётган сиёсатига бошқа томондан қарайдиган бўлсак, уни иккига бўлиш мумкин. Биричиси бу юмшоқ ва эҳтиёткорона бўлиб, айниқса Ҳиндистоннинг бу сиёсати Хитойнинг 2005-йилларда Марказий Осиё билан алоқаларни жадаллаштиргандан сўнг кўпроқ сезила бошлади. Хитойнинг Марказий Осиёдаги ролини кучайиб бориши, Ҳиндистоннинг ушбу минтақадаги таъсир доираларини анчагина чегараланганлигини кўрсатиб қўйди. Бундан ташқари, Хитой билан Покистоннинг Марказий Осиё минтақасида Ҳиндистонга нисбатан рақобатчилик (қарма-қарши) муҳитининг яратиши Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасига тўғридан тўғри таъсир кўрсатишига катта ҳалакит бермоқда. Шунинг учун ҳам, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақаси учун ишлаб чиқилган стратегияси вақтинчалик стратегия бўлиб, келгусида унинг қай йўсинда олиб борилиши устида бош қотирилмоқда.

Юқоридаги фикрларнинг давоми сифатида шунини ҳам айтиш мумкинки, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда юритаётган сиёсати “ad hoc”, яъни унинг юритаётган сиёсатига мувофиқ “табиий ва реактив”дир. Реактив ташқи сиёсат стратегиясида қисқа муддат ичида ҳеч қандай зарар ва чеклашларсиз қизғин ҳамкорлик муносабатларини амалга ошириб, уни узоқ муддат истиқболли муносабатларга айланишини таъминлашдир.

Лекин Ҳиндистон Марказий Осиё минтақасида реактив сиёсат олиб бориши учун Марказий Осиёдаги Россия ва Хитой каби катта “ўйинчилар” билан рақобатлашиб кучлар мутаносиблигини сақлайдими? Ёки Покистон ва Эрон каби унча катта бўлмаган давлатлар билан рақобатлашадими? Албатта ушбу саволларга жавоб топиш учун Ҳиндистоннинг ўша рақобатчи давлатлар билан ўзаро олиб бораётган икки томонлама муносабатларига ҳам

алоҳида эътиборимизни қаратишимизга тўғри келади¹. Агар Ҳиндистоннинг Эрон билан икки томонлама муносабатларига назар соладиган бўлсак, икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, Ҳиндистон ҳозирги кунда ҳам Марказий Осиё билан алоқаларини айнан мана шу Эрон орқали амалга оширмоқда. Бундан ташқари, Ҳиндистон Эрон ва Туркия билан Марказий Осиё масаласида кўп соҳаларда ҳамкорликни амалга оширади.² Чунки бу икки давлат ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва энергетик соҳаларида кўплаб ишларни амалга ошириб, кўпроқ тажриба тўплашга улгуришган. Мисол учун, Эрон минтақада маданий ва лингвистик соҳаларда, шунингдек газ қувурларини ўтказиш борасида ҳам кўплаб ютуқларга эришган.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё масаласида Россия ва АҚШ каби давлатлар билан рақобатлашмасдан, аксинча улар билан ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширса ҳам унинг учун фойдали албатта, бироқ бундай ҳамкорлик қилиш Ҳиндистоннинг ташқи сиёсат стратегиясига тўғри келмайди³.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё энергия захиралари учун юқорида келтириб ўтилган давлатлар билан рақобат қила бошлаганига ҳали узок бўлмаган бўлсада, у ўзига яраша ютуқ ва камчиликларга эришиб улгирди. Россия ва Хитойдан фарқли ўлароқ, Ҳиндистон Марказий Осиёга гарчи географик жиҳатдан яқин жойлашган бўлсада, ушу минтақа билан бевосита чегарадош эмаслиги унинг учун асосий тўсиқ бўлиб турибди.

Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё энерго-захиралари бозорида фаоллигига тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар бор:

- Энергетика бозорининг деярли эгаллаб бўлингани;

¹ Комиссина И. Станет ли Индия полноправным участником Большой игры в Центральной Азии? // Центральная Азия и Кавказ, 2008 г. №1, -С.-69

² India-can-do-more-in-central-asia, <http://gulfnnews.com/opinions/columnists/india-can-do-more-in-central-asia-1.701610>

³ B.Bakhtiyor, "Replay of Great game in Central Asia," Paper presented at the International Seminar on Recent Development in Central Asia, New Delhi, August 10,2005.

- Минтақадан Жанубий Осиёга ёқилғи-энергетика маҳсулотларини етказиб берувчи алоқа-транспорт йўллари ҳамда зарурий қувурларнинг йўқлиги;
- Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги “кўприк” вазифасини ўтовчи Афғонистонда беқарор вазиятнинг ҳали ҳам давом этаётганлиги;
- Шимолий-ғарбий ҳудудларда (Жанубий Осиёда) беқарорлик хавфи ва Покистон билан муносабатлардаги муаммолар;
- Глобал иқтисодий инқирознинг инвестицион вазиятга таъсири.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёга нисбатан олиб бораётган билвосита сиёсати деганда, унинг юқорида келтириб ўтилганидек, Эрон ва Туркия каби давлатлар ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини олиб бориши натижасида ушбу минтақа давлатларига таъсир кўрсатиши тушунилади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Ҳиндистоннинг ушбу минтақага йўналтирилган ташқи сиёсати кўпроқ Хитой билан Покистоннинг Марказий Осиёдаги ҳатти-ҳаракатига қараб мослашади, десак ҳам бўлаверади.

Ҳиндистон билан Марказий Осиё дипломатик алоқалари қанчалик кизгин бўлмасин, ҳамкорликни бевосита таъминлаш учун бир қанча қийинчиликлар мавжуд.

Биринчидан, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан ҳеч қандай умумий чегарага эга бўлмаганлиги, ушбу минтақа давлатлари билан олиб бориладиган муносабатларни қийинлаштиради. Юқорида ҳам келтириб ўтилганидек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан алоқа қилиши учун иккита йўл мавжуд бўлиб, Покистон билан Ҳиндистон алоқаларининг унчалик ҳам яхши эмаслиги сабабли, Ҳиндистон фақат иккинчи йўлдан, яъни Эрон ва Афғонистон орқали ўтадиган йўлдангина фойдалана олади. Лекин бу йўлдан фойдаланишнинг ҳам қийинчиликлари кўп. Мисол учун, 1989-йили

собик совет ҳукумати Афғонистондан чиқиб кетиши афғонларнинг жанговор руҳиятини ошириб юборди ва натижада Афғонистондаги беқарор вазият янада кучайиб кетди. Айниқса совуқ уруши туганидан сўнг, халқаро майдондаги вазиятнинг ҳам тубдан ўзгариши натижасида, давлатларнинг ҳавфсизлигига таҳдид солувчи турли хил янгидан янги ҳавфлар - “ноананавий/ноодатий таҳдидлар” Марказий Осиёда ва айниқса Афғонистон ҳудудида кўпайиб кетди. Ушбу таҳдидларга терроризм, диний экстремизм, наркотик савдоси, алоқа воситаларига қилинадиган таҳдидлар, ноқонуний иммиграциялар, атроф-муҳит ҳавфсизлиги, иқтисодий ва молиявий ҳавфсизлик, информацион ҳавфсизлик кабиларни кирғизиш мумкин. Бу ҳам Марказий Осиё давлатлари ҳам Ҳиндистон учун катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан олиб бораётган алоқаларига тўсқинлик қилаётган яна бир омил бу катта давлатлар манфаатларининг ушбу минтақада тўқнашганлигидир. Ушбу давлатлар ичида айниқса Россия Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасига суқилиб кириб, у ерда ўзининг манфаатларини ўрнатишига катта тўсқинлик қилади¹. Россиянинг бундай қилишига сабаб, ушбу минтақадаги давлатлар билан Россиянинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тарзи собик совет даврида бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган бўлиб, СССР парчаланганидан кейин ҳам Россия собик Совет иттифоқига кирган давлатларнинг кўпи билан алоқаларни қизғин олиб бориши натижасида янги мустақил бўлган давлатларни кўпчилигининг ташқи сиёсатида аллақачон муҳим рол ўйнайди. Бу эса албатта, Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатларини ҳимоя қилишида кўл келади. Мисол учун Россия Туркменистондан у мустақилликни қўлга киритганидан бери газ сотиб олиб, сўнгра уни Украина ва бошқа Европа давлатларига сотади, бу эса Россия давлат иқтисодиёти учун катта фойда келтиради. Юқорида таъкидлаб ўтилган ТАПИ

¹ Siddarth Srivastava, “India’s Quest for Russian energy,” Asia Times Online, November 6, 2006, www.atimes.com

шартномасининг тузилиши эса Россия манфаатларига асло тўғри келмайди,¹ сабаби ҳаммага аён, эндиликда Россия сотиб олиши мумкин бўлган газ миқдори камайиши ва ҳатто Россия Марказий Осиёдан аввалгидек арзон нархга газ сотиб ололмаслик ҳавфи ҳам вужудга келди. Шунинг учун ҳам Россия Марказий Осиё давлатларининг бошқа истемолчиларни ҳам энергия билан таъминлашга бўлган интилишларини иложи борида чеклашга ва тўсиқлар қўйишга ҳаракат қилмоқда. Қозоғистоннинг БТС яъни Баку-Тбилиси-Жейхан газ қувурлари дастурида ҳам иштирок этишига Россия ҳалигача норозилик билдириб келмоқда, Туркменистоннинг ТАПИ дастурига ҳам Россия бутунлай қарши.²

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги ҳавфсизлик бўйича амалга ошираётган ишларида ҳам минтақада аллақачон гегемонликни ўз қўлига олган Россия билан рақобатлашишига тўғри келмоқда.³

Ҳиндистон билан Тожикистон ўртасида тузилган ҳарбий битимга мувофиқ, Ҳиндистоннинг Тожикистондаги ҳарбий базаси Афғонистондаги террористларга қарши курашиш учун жойлаштирилган эди. Ушбу ҳарбий база орқали Ҳиндистон аввало, Кашмир масаласида Покистонни қўллаб қувватловчи экстремистик гуруҳларнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида Афғонистондаги террористик ва экстремистик ҳаракатларга қарши курашда, қолаверса, ушбу минтақадаги обрусини янада ошириш эди.

Бироқ Тожикистон ҳукуматининг Россия билан тузган битимига мувофиқ, эндиликда Ҳиндистоннинг ҳарбий базаси турган жойдан Россия фойдаланишини билдирди ва Ҳиндистон ўз ҳарбий базасини Тожикистондан олиб чиқиб кетишини эълон қилди. Бунга бир нечта сабаблар бор албатта, биринчидан, Россия ҳукумати ушбу ердан фойдаланиш учун катта миқдорда ижара ҳақи беришни ваъда қилмоқда, шунингдек бошқа томондан олиб

¹ "Assassins in Gray Suits," Marco Polo gazetasi, Acque et Terre, No. 2, 2003, -P- 3-7

² Stephen Blank, "Pipelines: Conduits for Terrorism," Asia Times saytida, 5-Mart, 2003,

³ M.K. Narayanan, "Asia's Global Foreign Policy and Security Interests," Hampton Roads International Security Quarterly, No. 2, 2006, -P- 51

каралганда ҳам, Россия Тожикистоннинг барча соҳаларини ривожланишида бошқа давлатларга қараганда катта рол ўйнайди. Мисол учун, Тожикистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо айланмасини олиб қарайдиган бўлсак, у 2009-2010 йилларда 30 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, 720 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган¹. Энди шу йилларда Россия билан Тожикистон ўртасидаги савдо айланмаси эса 1.2 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиб, киритилган инвестиция эса 600 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Тожикистон ва Россия ўртасидага ҳамкорлик албатта катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун Россиянинг “Рогун” сув омбори масаласида, Тожикистонни қўллаб-қувватламаганлигига қарамадан Тожикистон Россияни ҳарбий база масаласида қўллаб қувватлаши у учун манфаатлироқдир.

Тожикистоннинг ҳарбий база масаласида Россияга ён босганининг яна бир сабаби бу ўз ҳудудини Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро можаролари ҳал қилувчи майдонга айланиб кетишини ҳоҳламаганлигидир.

¹ Details about FDI laws could be found in Jimmy McHugh, “Capital Flows and External Debt” in Emine Gurgen et., op.cit.,-P-.54

2.3. Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари муносабатларининг ривожланиш истиқболлари.

Осиё минтақасида янги ресурслар манбаи ва янги бозорнинг пайдо бўлиши келажакда Ҳиндистон иқтисодиётида юзага келиши мумкин бўлган муаммолардан ҳалос қилиши эҳтимоллигини ҳақиқатга айлантди. Ҳиндистон Марказий Осиё билан олиб бораётган бугунги кундаги муносабатларни келажакдаги ҳамкорликнинг асоси деб қарайди ва бундан кейинги алоқаларда қуйидаги соҳаларга эътиборини янада кучайтиришни мақсад қилиб қўйган:

- Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон) билан олиб бориладиган муносабатларни янада кенгайтириш, ҳамда уларнинг ҳудудида мавжуд бўлган табиий ресурсларга катта миқдорда сармоя киритиш.
- Марказий Осиё давлатларида ҳамма учун фойдали бўлган ва истиқболли қўшма корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш ва уни имкон қадар тезроқ амалга ошириш. Шунингдек ушбу минтақада мавжуд бўлган ишлаб чиқарувчи корхона ва заводлар билан Ҳиндистон корхоналари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ўзаро тажрибалар алмашиш.
- Табиий иқлими қулайлигини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалиги ва айниқса боғдорчиликни ривожлантириш, ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш юзасидан ҳамкорликни амалга ошириш.
- Туризм соҳасида ҳам кенг ҳамкорликни амалга ошириш ва уни ривожлантиришда дунё тажрибаларидан фойдаланиш.
- Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Ҳозирги кундаги икки томонлама иқтисодий ва савдо ҳамкорликни янада тезроқ ривожлантириш учун мавжуд бўлган банк операциялари ва иқтисодий муносабатларни соддалаштириш,

ҳамда Марказий Осиё иқтисодиётининг ривожланишини осонлаштирувчи турли хил халқаро фондларни ушбу минтақага жалб этиш.

- Минтақадаги барқарорликни сақлаш борасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини олға суриш орқали стратегик ҳавфсизликни таъминлаш.

- Шунингдек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги “бренди”ни ошириш, яъни Ҳиндистоннинг ушбу минтақадаги оммавий дипломатиясига (public diplomacy) катта эътибор бериш.

Ўтган йиллар давомида Ҳиндистон Марказий Осиё минтақасида бир канча муваффақиятларга эришди. Унинг Марказий Осиёдаги манфаатлари асосан иккига бўлинади, булар ҳавфсизлик ва Ҳиндистон энергетик ҳавфсизлигидир¹. Ҳиндистон келажакда ўзининг юқорида келтириб ўтган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Хитой ва Россия каби давлатлар билан рақобатлашмоқда.

Ҳиндистон ташқи сиёсатининг Марказий Осиёга йўналтирилган ҳавфсизлик стратегиясини қуйидагича талқин қилишимиз мумкин. Яъни Ҳиндистон аввало Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, тинчлик бўлиши тарафдоридир. Лекин Марказий Осиёнинг жанубида жойлашган Афғонистон ҳудудидаги узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган беқарор вазият, Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда Ҳиндистонни ҳам бирдек ташвишга солмоқда. Ҳиндистоннинг Афғонистондаги беқарор вазиятдан ташвишга тушишининг сабаблари кўп.

Биринчидан, ҳамма давлатлар қатори Ҳиндистон ҳам терроризмнинг ёйилишига қарши қаттиқ курашади, қолаверса, Афғонистондаги экстремистик оқимларнинг Марказий Осиё давлатларига томон тарқалиб кетишидан ҳавфсирайди². Агар шундай ҳолат рўй берадиган бўлса аввало Ҳиндистон ушбу минтақадаги стратегик манфаатларидан айрилади ва

¹ I. Kiesow and N. Norling, ‘The Rise of India: Problems and Opportunities’, Silk Road Papers, January 2007, -P-.86

² V. Schofield, *Afghan Frontier: Feuding and Fighting in Central Asia*, London: Taurisparke, 2003, -P-.322

қолаверса узоқ йиллардан бери Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муаммоли масала бўлиб келаётган Кашмир масаласида ҳам Ҳиндистон учун салбий оқибатларга олиб келувчи кучларнинг пайдо бўлишидан ҳадиксирайди¹. Шунинг учун ҳам Ҳиндистон ШОСга кузатувчи бўлиб кирди² ва ушбу ташкилотда терроризм ва диний экстремизм каби иллатларга қарши курашишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳиндистон Афғонистондаги толибонлар ҳаракатига қарши курашишда Марказий Осиё давлатлари билан ҳам ўзаро икки томонлама шартномалар тузиб, бундай ҳаракатларга қарши курашишда фаоллик кўрсатмоқда. Мисол учун Ҳиндистон Тожикистон билан икки томонлама шартнома тузган ҳолда 2011-йилгача Тожикистоннинг Айний базасида Ҳиндистон ҳарбийларини жойлаштириб, улар ёрдамида Афғонистондаги толибонлар ҳаракатига қарши курашишмоқда эди. Ҳозирда ҳам Ҳиндистоннинг ҳарбий учувчилари Тожикистон ҳарбийларига ҳарбий самолётларни бошқариш тактикалари борасида ўргатиш ишларини олиб боришмоқда.

Ҳиндистоннинг Маркази Осиёдаги ҳавфсизлик стратегиясига яна наркотик савдоси ва оммавий қирғин қуролларига қарши курашиш каби ҳаракатларни ҳам санаб ўтишимиз мумкин. Ҳиндистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасида наркотик моддалар савдосига қарши курашиш нима учун керак деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Аввало кўплаб инсонлар наркотик моддаларини истеъмол қилиш оқибатида дунёдан эрта кўз юммоқда, ёки майиб мажруҳ фарзандлар дунёга келмоқда ва бу ҳол Ҳиндистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Қолаверса Ҳиндистон ҳукумати ҳарбийлари ҳам халқаро иттифокчи кучлар каби Афғонистондаги террористларга қарши курашмоқда. Бироқ ўша террористларни молиявий жиҳатдан таъминлаётган ресурс ҳам мана шу

¹Blank, Stephen. "India's Rising Profile in Central Asia" April 2003. Comparative Strategy, -P-.141

² Vladimir Radyuhin, "India to play active role in Shanghai group", The Hindu, October 27, 2005, at <http://www.hindu.com/2005/10/27/stories/2005102718141600.htm>

худудда етиштирилаётган наркотик моддаларини сотиш ҳисобига келмоқда¹. Шундай экан Ҳиндистон ҳам Марказий Осиё давлатлари билан наркотик моддаларига қарши курашиш бўйича кўплаб битимлар тузиб уни амалга оширишга тайёр турибди.

Оммавий қирғин қуроллари тарқатмаслик борасида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ишларини олға сураётганлиги ҳам Ҳиндистоннинг стратегик ҳавфсизлигини таъминлашда асосий ўрин тутди². Марказий Осиё икки томондан ядро қуролига эга гегемон давлатлар билан чегарадош (Россия ва Хитой), шунингдек яна унга қўшни бўлган Покистон ва Ҳиндистонда ҳам ядро қуроллари мавжуд.

Собиқ совет даврида айнан Марказий Осиё собиқ иттифоқнинг оммавий қирғин қуроллари сақланадиган ҳудуди ҳисобланган. Яъни Қозоғистонда катта миқдорда тўйинтирилган уран заҳира сифатида сақланган бўлса, Қирғизистонда қайта ишланган ядро чиқиндилари тўпланган, Ўзбекистон ва Тожикистон эса тўйинтиришга яроқли катта ҳажмдаги уран заҳираларига бой бўлган. Ҳиндистоннинг ҳавфсирашига сабаб шуки, ушбу минтақадаги ҳамма давлатларнинг ҳам чегаралари у қадар мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарса бўладиган ҳом ашёларни экстремистик ёки террористик гуруҳларни қўлига тушиб қолишидир.

Марказий Осиё минтақаси кўплаб минераллар, табиий газ ва нефть заҳираларига бой ҳисобланганлиги учун ҳам кўплаб давлатларнинг диққат эътиборини ўзига тортмоқда. Ҳиндистон ҳам бундан мустасно бўлмаган ҳолда минтақадаги ҳар бир давлат билан олиб борилаётган ўзаро муносабатларга жиддий ёндашмоқда³. Савдо сотиқ борасида гап кетганда шунини айтиш мумкинки, Марказий Осиё Ҳиндистон олимлари айтганидек,

¹ Drug trafficking is one of the most lucrative sources of financing groups like the Taliban in Afghanistan and the IMU in Uzbekistan. 2002.-P-45

² Kapil Kak, "India's Strategic and Security Interests in Central Asia", -P-. 208

³ "India is Worried by Gas Shortage," Alexander's Gas and Oil Connections, XI, No. 24, December 21, 2006, www.gasandoil.com/goc/company/cns65162.htm

Ҳиндистон саноатида эҳтиёж катта бўлган ва ҳали деярли ишлатилмаган ҳом ашёлар макони ҳисобланади.

“Бугун Ҳиндистон энергетик маҳсулотларни импорт қилиш бўйича дунёда олтинчи ўринда турибди, бироқ 2010 – йилдан кейин АҚШ, Хитой ва Япониядан сўнг тўртинчи истемолчи давлатга айланади. Мутахассислар башорат қилаётган кўрсаткич бўйича 2020-йилда Ҳиндистоннинг нефтьга бўлган эҳтиёжи Осиёда энг юқори бўлади. Ҳиндистон 2020-йилга бориб йилига қарийб 200 млн. тонна нефть импорт қилса, 2030-йилларда эса 250 млн. тонна импорт қилишга мажбур бўлади.”¹

Марказий Осиё углеводородлари, яъни ёқилғи-энергетика ресурсларининг асосий қисми Ўзбекистон, Туркменистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудларида жойлашган. Жумладан, Ҳиндистоннинг Ўзбекистонга катта эътибор бераётгани бежиз эмас, сабаби Ўзбекистонда аниқланган газ захираларининг ҳажми 3 трлн. куб м. деб баҳоланса, нефть захиралари 94,8 млн тонна атрофида. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ҳали аниқланмаган, лекин тахмин қилинаётган энерго-захиралари 5,9 трлн куб м газ ва 800 млн тоннадан ортиқроқ нефтьни ташкил этади. Ўзбекистонда йилига қарийб 60 млрд. куб м газ қазиб олинади. Асосий нефть ва газ захираларимиз эса Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Орол денгизи шелфлари ҳамда Устюртда жойлашган².

Ўзбекистондан фарқли ўлароқ Қозоғистон ва Туркменистон Каспий денгизи билан чегарадош бўлиб, бу уларни қўшимча нефть ва газ ресурслари ҳамда қўшимча имкониятлар билан таъминлайди. Бугунга келиб Каспий денгизида бир неча ўнлаб нефть ва газ конлари ишга туширилган.

Ҳиндистон ҳозирда ҳам Марказий Осиёга чой ва фармацевтика маҳсулотларининг етказиб беришда етакчи давлат ҳисоблансада, лекин Фарбдан келтирилган моллар ва Хитойнинг арзон, лекин сифати паст

¹ Джиотсна Бахши “Политика Индии в Центральной Азии, аспекты узбекско-индийского сотрудничества” УМЭД. Ташкент.2007. –С-. 190-191

² Asadova R.B. “O’zbekiston-Hindiston hamkorlik aloqalari”// Jamiyat va Boshqaruv.–2005.–№ 1.–Б-.70-72

махсулотлари орасида унинг экспортга чиқарган маҳсулотлари деярли йўқ ҳисоби. Шунинг учун ҳам у келгусида Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ва савдо ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириб, табиий минераллар ва бошқа табиий ресурсларни ўз жойида қайта ишлайдиган саноатни қуриш юзасидан ҳамкорлик қилиш чора тадбирларини кўрмоқда. Бунга ёрқин бир мисол Ҳиндистон Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам текстил соҳасини ривожлантириб, дунё стандартларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастури бўйича иш бошлаган. Бундан ташқари информацион технологиялар, банк, хизматлар, қурилиш, кичик ва ўрта ҳажмдаги ишлаб чиқариш ва озиқ овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳам Ҳиндистон Марказий Осиёда кўпгина ютуқларга эришган¹.

Ҳиндистоннинг келгусида Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва иқтисодий муносабатларни кучайтиришидан яна бир мақсад шуки, у шу йўл билан Покистоннинг ташқи иқтисодий сиёсатига зарба берса бўлади. Чунки Покистон ҳам ҳамма давлатларлар сингари Марказий Осиёнинг табиий ресурсларига катта қизиқиш билдиради ва унинг бу борада Ҳиндистондан устун тарафи шуки, Покистон географик жиҳатдан геостратегик жойда жойлашган бўлиб Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро чегарага эга. Покистон ўзининг шу устунлигидан фойдаланган ҳолда “landlocked” (қуруқликда жойлашган минтақа) ҳисобланувчи Марказий Осиё давлатлари ҳам ашёларини қисқа йўл билан Араб денгизига олиб чиқишни мўлжалламоқда². Агар келгусида Ҳиндистон Марказий Осиёнинг асосий иқтисодий ҳамкорларидан бирига айлана олса, Покистондан ушбу “мусобақада” устун келган бўлади.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги стратегик манфаатларини ҳимоя қилиш, уни келажакда бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ўзгаришларга

¹ Inglof Kiesow and Nicklas Norling. “The Rise of India: Problems and Opportunities”-P-98

² Meena Singh Roy. “Pakistan’s Strategies in Central Asia” Strategic Analysis, Oct-Dec 2006,-P-812

тайёр туришини талаб этади. Ҳиндистон бундай стратегик тайёргарликка эга бўлиш учун аввало Марказий Осиё билан унинг ўртасида мавжуд бўлган географик бўшлиқни тўлдириши керак. Ҳиндистон бу масалани ҳал қилиш учун қуйидаги иккита дастур асосида иш олиб боришни режалаштирмоқда. Биринчиси бу 2 миллиард доллардан кўпроқ маблағ талаб қиладиган катта энергетик магистрал йўлини қуришдир. Бу магистрал йўл Россиядан бошланиб Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон ва охири Кашмир орқали ўтиб, ундан сўнг Ҳиндистонга кириб келади. Нозик масала бўлган ва ҳали ҳам муаммолигича турган Кашмирдан магистрал йўл ўтказишни таклиф қилишни ўзи бир жумбоқли масала, лекин бу қанчалик қийин бўлмасин Ҳиндистон бу дастурни амалиётга татбиқ қилиш учун катта куч сарфлайди.

Иккинчи дастур бу биринчисига қараганда анча ҳақиқатга яқин бўлиб, у Эрон орқали ўтадиган муқобил савдо корридори ҳисобланади ва Ҳиндистон бу дастур устида аллақачон ишни бошлаб юборган. 2000-йили 12-сентябрда Петербургда Ҳиндистон Эрон ва Россия билан биргаликда “Халқаро шимол-жануб транспорт корридори” номли дастури имзоланган бўлиб, у 2002-йил 16-майда кучга кирди. Ушбу дастурнинг 3-йиғилиши 2005-йил октябрда Нью Дехлида ўтган бўлса, кейинги йиғилиш 2007-йил октябрда Қозоғистонда бўлиб ўтди¹. Эроннинг Транспорт ва йўл қурилиш ишлари бўйича вазири ўринбосари Ризо Пилпайининг 2011-йили берган интервьюсига кўра дастурдаги темир йўл қурилишининг деярли ярми қуриб битказилган². Агар ушбу дастур тўлалигича ишга туширилса, йилига 20 млн. тонна юкни ташиш мумкин, бу эса давлатларнинг тезроқ ривожланиши учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Feller, Gordon. "Trade route of the future? India, Iran and Russia are pushing a North-South Transportation Corridor to reach Northern Europe. (Special report: European transport and logistics)." The Journal of Commerce 4.21 (2003)

² India-Central Asia Relations: Quest for Energy Securitytc, <http://vestnikkavkaza.net/news/economy/12445.html>

Марказий Осиё билан савдо маршрутини йўлга қўйишнинг яна бир альтернатив йўли бу Хитой орқали Ҳиндистонга келиб туташади¹. Бу йўлнинг иккита ижобий хусусияти бўлиб, биринчиси бу йўлга чегара ҳудудларда яшовчи аҳоли учун иқтисодий томондан фойдали бўлса, иккинчидан ушбу қадимги савдо йўлини қайта жонлантириш натижасида Ҳиндистон фақатгина битта давлат билан ҳамкорлик қилади, бу албатта Покистон ва Афғонистон орқали ўтадиган йўлдан анча барқарор ва ишончлироқ бўлади.

¹ Atul Aneja, "Pipeline Should Extend to China," Chennai, The Hindu Internet Version, in English, May 7, 2007, FBIS SOV, May 7, 2007.

Хулоса

Хулоса ўрнида Марказий Осиё ва Ҳиндистон муносабатларининг истиқболдаги ривожланишида қўйидаги жиҳатларни кузатиш мумкин.

Биринчидан, Яқин Шарқдаги беқарор вазиятни инобатга олсак, Ҳиндистон ташқи сиёсатида энергетик хавфсизлик марказий ўринга чиқа бошлади. Шу ўринда Марказий Осиёнинг энергетик захиралари Ҳиндистон учун муқобил манба сифатида эътиборга эга. Ҳиндистон бунда энергетик ресурсларга бой Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни кенгайтиришга ҳаракат қилади.

Иккинчидан, Ҳиндистон Марказий Осиё билан олиб бораётган бугунги кундаги муносабатларни келажакдаги ҳамкорликнинг асоси деб қарайди ва бундан кейинги алоқаларда қўйидаги соҳаларга эътиборини янада кучайтиришни мақсад қилиб қўйган:

- Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан олиб бориладиган муносабатларни янада кенгайтириш, ҳамда уларнинг ҳудудида мавжуд бўлган табиий ресурсларга катта миқдорда сармоя киритиш.
- Марказий Осиё давлатларида ҳамма учун фойдали бўлган ва истиқболли қўшма корхоналарни барпо этишга алоҳида эътибор бериш ва уни имкон қадар тезроқ амалга ошириш. Шунингдек ушбу минтақада мавжуд бўлган ишлаб чиқарувчи корхона ва заводлар билан Ҳиндистон корхоналари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ўзаро тажрибалар алмашиш.
- Табиий иқлими қулайлигини ҳисобга олган ҳолда, Марказий Осиё минтақасида қишлоқ хўжалиги ва айниқса боғдорчиликни ривожлантириш, ҳамда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш юзасидан ҳамкорликни амалга ошириш.
- Туризм соҳасида ҳам кенг ҳамкорликни амалга ошириш ва уни ривожлантиришда дунё тажрибаларидан фойдаланиш.
- Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Ҳозирги кундаги икки томонлама

иқтисодий ва савдо ҳамкорликни янада тезроқ ривожлантириш учун мавжуд бўлган банк операциялари ва иқтисодий муносабатларни соддалаштириш, ҳамда Марказий Осиё иқтисодиётининг ривожланишини осонлаштирувчи турли хил халқаро фондларни ушбу минтақага жалб этиш.

- Минтақадаги барқарорликни сақлаш борасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини олға суриш орқали стратегик ҳавфсизликни таъминлаш.

- Шунингдек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёдаги “бренди”ни ошириш, яъни Ҳиндистоннинг ушбу минтақадаги оммавий дипломатиясига (public diplomacy) катта эътибор бериш.

Учинчидан, Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда юритаётган сиёсатининг яна бир йўналиши бу маданий фактор ҳисобланади. Ушбу сиёсатнинг асосий мақсади - бу Марказий Осиё минтақасида ҳиндларга бўлган ҳайрихоҳликни ошириш ва ҳинд маданиятини кенг ёйишдир.

Тўртинчидан, ҳамма давлатлар қатори Ҳиндистон ҳам терроризмнинг ёйилишига қарши қаттиқ курашади, қолаверса, Афғонистондаги экстремистик оқимларнинг Марказий Осиё давлатларига томон тарқалиб кетишидан ҳавфсирайди¹. Агар шундай ҳолат рўй берадиган бўлса, аввало Ҳиндистон ушбу минтақадаги стратегик манфаатларидан айрилади ва қолаверса, узоқ йиллардан бери Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муаммоли масала бўлиб келаётган Кашмир масаласида ҳам Ҳиндистон учун салбий оқибатларга олиб келувчи кучларнинг пайдо бўлишидан ҳадиксирайди². Шунинг учун ҳам Ҳиндистон ШОСга кузатувчи бўлиб кирди³ ва ушбу ташкилотда терроризм ва диний экстремизм каби иллатларга қарши курашишда фаол иштирок этиб келмоқда.

¹ V. Schofield, *Afghan Frontier: Feuding and Fighting in Central Asia*, London: Taurisparke, 2003, -P-.322

² Blank, Stephen. “India’s Rising Profile in Central Asia” April 2003. *Comparative Strategy*, -P-.141

³ Vladimir Radyuhin, “India to play active role in Shanghai group”, *The Hindu*, October 27, 2005, at <http://www.hindu.com/2005/10/27/stories/2005102718141600.htm>

Ҳиндистон билан Марказий Осиё дипломатик алоқалари қанчалик кизгин бўлмасин, ҳамкорликни бевосита таъминлаш учун бир қанча қийинчиликлар мавжуд.

Биринчидан, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан ҳеч қандай умумий чегарага эга бўлмаганлиги, ушбу минтақа давлатлари билан олиб бориладиган муносабатларни қийинлаштиради. Юқорида ҳам келтириб ўтилганидек, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё билан алоқа қилиши учун иккита йўл мавжуд бўлиб, Покистон билан Ҳиндистон алоқаларининг унчалик ҳам яхши эмаслиги сабабли, Ҳиндистон фақат иккинчи йўлдан, яъни Эрон ва Афғонистон орқали ўтадиган йўлдангина фойдалана олади. Лекин бу йўлдан фойдаланишнинг ҳам қийинчиликлари кўплиги ҳам муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Иккинчидан, Ҳиндистон Марказий Осиё энергия захиралари учун Россия ва Ҳитой каби давлатлар билан рақобат қила бошлади. Россия ва Ҳитойдан фарқли ўлароқ, Ҳиндистон Марказий Осиёга гарчи географик жиҳатдан яқин жойлашган бўлсада, ушу минтақа билан бевосита чегарадош эмаслиги унинг учун асосий тўсиқ бўлиб турибди.

Ҳиндистоннинг Марказий Осиёда олиб бораётган сиёсатига бошқа томондан қарайдиган бўлсак, уни иккига бўлиш мумкин. Биричиси бу юмшоқ ва эҳтиёткорона бўлиб, айниқса Ҳиндистоннинг бу сиёсати Ҳитойнинг 2005-йилларда Марказий Осиё билан алоқаларни жадаллаштиргандан сўнг кўпроқ сезила бошлади. Ҳитойнинг Марказий Осиёдаги ролини кучайиб бориши, Ҳиндистоннинг ушбу минтақадаги таъсир доираларини анчагина чегараланганлигини кўрсатиб қўйди. Бундан ташқари, Ҳитой билан Покистоннинг Марказий Осиё минтақасида Ҳиндистонга нисбатан рақобатчилик (қарма-қарши) муҳитининг яратилиши Ҳиндистоннинг Марказий Осиё минтақасига тўғридан тўғри таъсир кўрсатишига катта ҳалақит бермоқда. Шунинг учун ҳам, Ҳиндистоннинг Марказий Осиё

минтақаси учун ишлаб чиқилган стратегияси вақтинчалик стратегия бўлиб, келгусида унинг қай йўсинда олиб борилиши устида бош қотирилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Президент И.Каримов асарлари:

- 1.1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясидаги маъруза. Тошкент. 2003 йил.
- 1.2. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати//Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.3. Каримов И.А. Маънавий бирлик сари муҳим қадам // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.4. Каримов И.А. Миллий хавфсизликни таъминлаш тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.5. Каримов И.А. Мустақиллик — улкан масъулият// Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.6. Каримов И.А. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон йўли — жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.8. Karimov I.A. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisidagi ma’ruza. 12.11.2010.
www.press-service.uz

2. Илмий адабиётлар:

Ўзбек тилида

- 2.1. Hoshimov I. Hindistonda Boburiylar sulolasi saltanati. “O‘qituvchi”, 1996.-
- 2.2. Uilyam Erskin Bobur Hindistonda. Т.: “Cho‘lpon”, 1995.

- 2.3. А.Ўринбоев, Абдураззоқ Самарқандий ва унинг Ҳиндистон сафари, “Ўзбекистон маданияти”, 1958 йил 2 июль.
- 2.4. Жўраев Қ.А. Сиёсатшунослик асослари. – Т.: ЖИДУ, 2004. 119-б.
- 2.5. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача): Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик. - Т.: 2004.- 17-б.
- 2.6. Низомиддинов И. Г. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. –Т.: Фан, 1966.-12б. The History of India by Н.М. Elliot, II-том, 399-бет.
- 2.7. Нишонов М.Н., Джавакова К.В. Политология. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. С.176.
- 2.8. Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 2008. 259-б.
- 2.9. Сатимов Ғ. Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихида бобурийлар даври. Т.:2005.– 18–б.

Рус тилида

- 2.10. Алимов Р. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика и безопасность. –Т.: 2002.
- 2.11. Алимов Р. Центральная Азия: общность интересов. –Т.: 2005.,
- 2.12. Богатуров, А.Л. Очерки теории политического анализа международных отношений / А.Л. Богатуров, Н.А.
- 2.13. Введение в теорию международных отношений и анализ внешней политики / под ред. Н.А. Ломагина. – СПб., 2001.
- 2.14. Дипломатический словарь. М., 1989. Т. 1-3. с.166
- 2.15. Дипломатия иностранных государств : учебное пособие / под ред. Т.В. Зоной. – М. : РОССПЭН ; МГИМО, 2004.
- 2.16. Казанцев, Ю.И. Международные отношения и внешняя политика России : учебное пособие / Ю.И. Казанцев. – Ростов н/Д., 2002.

- 2.17. Касымова Н. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика и безопасность. (на русском языке) –Т.: 2002.,
- 2.18. Киссинджер, Г. Дипломатия / Г. Киссинджер. – М., 1997.
- 2.19. Коваленко, И.И. Международные неправительственные организации / И.И. Коваленко. – М., 1976.
- 2.20. Кольяр, К. Международные организации и учреждения / К. Кольяр. – М., 1973.
- 2.21. Косолапов, М.А. Хрусталева. – М. : Научно-образовательный форум по международным отношениям, 2002.
- 2.22. Круглова Г.А. Политология: Учеб. пособие. – Мн.: ЗАО “ВЕДЫ”, 1997. – с. 236.
- 2.23. Лебедева, М.М. Мировая политика / М.М. Лебедева. – М. : Аспект Пресс, 2003.
- 2.24. Международные отношения: теории, конфликты, движения, организации : учебное пособие / под ред. П.А.Цыганкова. – М. : Альфа-М, 2007.
- 2.25. Мировая политика и международные отношения : учебное пособие / под ред. С.А. Ланцова, В.А. Ачкасова – М. :Питер, 2005.
- 2.26. Поздняков, Э.А. Философия политики / Э.А. Поздняков. – М., 1994.
- 2.27. Политика Индии в Центральной Азии аспекты узбекско-индийского сотрудничества Под.Ред.Д-ра Джиотсна Бакши. Т.:2007, С.90.
- 2.28. Политология: Курс лекций / Н.П. Денисюк, Т.Г. Соловей, Л.В. Старовойтова и др., 2-е изд., испр. и доп. – Мн.: НТООО “ТетраСистемс”, 1997. – с. 337.
- 2.29. Попов, В.И. Современная дипломатия: теория и практика. Дипломатия – наука и искусство : курс лекций / В.И.Попов. – М. : Международные отношения, 2004.

2.30. Современные международные отношения и мировая политика : учебник / под ред. А.В. Торкунова. – М. : Просвещение, 2004.

2.31. Шарипов Ш.Ф. Сиёсатшунослик. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 368-б.

Инглиз тилида

2.32. Девендра Каушик, Devendra Kaushik, “The Economic Relation between India and Central Asia in 19th century” Сурендра Гопал(Surendra Gopal) наشريда (ed.), №8, 71-бет.

2.33. Индранил Бенерджи, Indranil Benerjie, „India and Central Asia“ Brunel Academic Publishers Ltd., United Kingdom, 2004, (357 p.), passim.

2.34. Касимова Н. Узбекистан и вызовы создания региональной системы безопасности в Центральной Азии. (на английском языке) Серия определенных докладов Кеннанского Института, номер 279, Вашингтон ДС.: Woodro Wilson International Center for Scholars, 2000.

2.35. Коги Кудара, Kogi Kudara(Рьукоки университети, Киото), „A Rough Sketch of Central Asean Buddhism“, Pacific World <http://shin-ibs/pdfs/pwj3-4/06KD/pdf>.

2.36. Р.С.Агравал, R.C.Agrawal. „Recent Excavations in Uzbekistan and India’s Contact with Central Asia“, Н.Н.Вохра китобида N.N.Vohra, Culture, Society and Politics in Central Asia and India, Shipra and India International Centre, Delhi,1999, б.35; Радха Райна Radha Raina, Glimpses of the Past, Cultural Rhythms, India and Central Asia, External Publicity Division, Government of India, New Delhi, 2002, б.20-22,25.

2.37. Сурендра Гопал, Surendra Gopal, India and Central Asia: Cultural, Economic and Political Links, 2001. Shipra Publications; New Dehli (200 с.), passim.

2.38. Цыганков, П.А. Международные отношения : учебное пособие / П.А. Цыганков. – М., 1996.

2.39. Цыганков, П.А. Теория международных отношений / П.А. Цыганков. – М. : Гардарики, 2002.

2.40. Что есть что в мировой политике : словарь-справочник / под ред. Е.М. Примакова, А.И. Власова. – М. : Прогресс, 1987.

3. Даврий нашрлар

3.1. Косолапов, Н.А. Теоретические исследования международных отношений (Современное состояние науки) / Н.А.Косолапов // Мировая экономика и международные отношения. – 1998. – № 2.

3.2. Най, Дж. (мл.) Взаимозависимость и изменяющаяся международная политика / Дж. Най (мл.) // Мировая политика и международные отношения. – 2003. – № 3.

3.3. Г. Стурра // Мировая экономика и международные отношения. – 1988. – № 9.

3.4. Г.А. Воронцов // Мировая экономика и международные отношения. – 1988. – № 9.

4. Интернет сайтлар:

4.1. www.press-service.uz

4.2. www.gov.uz

4.3. www.mfa.uz

1- Илова



2- илова

